

**ЎЗБЕКИСТОНДА
ОИЛАВИЙ ТИББИЁТ
АСОСЛАРИ**

ДАИИЛДО ДОВОНИЧАЛНИ
АМЛАЛЧИНДА МЭЛДҮҮДАТЛА

Такризчилар:

М.З. Захидова – т.ф.д., ТошВМОИ УАШ қайта тайёрлаш кафедраси мудири, профессор;

М.Т. Рустамова – т.ф.д., ТТА даволаш факультетининг УАШ тайёрлаш ва эндокринология кафедраси профессори;

Ф.Х. Азизова – т.ф.д., ЎзР ССВ Фан ва ўкув юртлари бош бошқармаси бош мутахассиси, профессор

Ўкув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида ўtkазилаётган ислоҳатларнинг моҳияти ва ривожланиш шарт-шароитлари, шунингдек Ўзбекистондаги оиласий тиббиёт асослари ва ривожланиш таж-рибаси талабалар, магистрлар, тиббиёт олий ўкув юртлари ўқитувчилари учун фойдаланишлари мумкин.

Ўкув қўлланма “Даволаш иши” (5510100) “Касбий таълим” (5111000) ўйналиши бўйича “Ички касалликлар ва реабилитология” маҳсус фанлар учун мўлжалланган бўлиб, 80 та фотосурат, 12 та расм, 1 та жадвалдан иборат.

УЎК 616-08-027.553(075.8)

КБК 53.4я73

Глоссарий

ЯИМ – ялпи ички маҳсулот

ОИВ/ОИТС – Одам иммунтанқислиги вируси/Орттирилган иммун танқислиги синдроми

ЖССТ – Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти

УАШ – умумий амалиёт шифокори

ДАТ – далилларга асосланган тиббиёт

ТВИ – тана вазни индекси

КВХ – квалификацион характеристика

БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

НИЗ – ноинфекцион касалликлар

КТМД – кадрлар тайёрлаш миллий дастури

ХРУ – халқаро ривожланиш уюшмаси

ШАМ – шахслараро муносабат

УТТ – узлуксиз таълим тизими

ОП – оиласий поликлиника

ҚВП – қишлоқ врачлик пункти

ТТА – Тошкент тиббиёт академияси

БТСЁ – бирламчи тиббий-санитар ёрдам

ФАП – фельдшер – акушерлик пункти

ҚВА – қишлоқ врачлик амбулаторияси

ҚШ – қишлоқ шифохонаси

МТШ – марказий туман шифохонаси

ТТБ – туман тиббиёт бирлашмаси

OSCE – Objective structured clinical examination

SWOT – Strengths (сильные стороны), Weaknesses (слабые стороны), Opportunities (возможности) и Threats (угрозы)

Глоссарий

ВВП – внутренний валовый продукт

ВИЧ/СПИД – Вирус Иммунодефицита Человека/Синдром Приобретенного Иммунодефицита

ВОЗ – Всемирная Организация Здравоохранения

ВОП – врач общей практики

ДМ – доказательная медицина

ИМТ – индекс массы тела

КВХ – квалификационная характеристика

ООН – Организация Объединенных Наций

НИЗ – неинфекционные заболевания

НППК – Национальная программа по подготовке кадров

МАР – Международная ассоциация развития

МЛО – Межличностное общение

НПО – Непрерывное профессиональное образование

СП – семейная поликлиника

СВП – сельский врачебный пункт

ТМА – Ташкентская медицинская академия

ПМСП – первичная медико-санитарная помощь

ФАП – фельдшерско-акушерский пункт

СВА – сельская врачебная амбулатория

СБ – сельская больница

ЦРБ – центральная районная больница

РМО – районные медицинские объединения

OSCE – Objective structured clinical examination

SWOT – Strengths (сильные стороны), Weaknesses (слабые стороны), Opportunities (возможности) и Threats (угрозы)

КИРИШ

Мамлакатимиз Мустакилликка эришганига 25 йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида барча соҳалар каби тиббиёт соҳасида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Тақдим этилаётган «Ўзбекистонда оиласий тиббиёт асослари» ўқув қўлланмаси ўтган даврда амалга оширилган катта ишларнинг ҳосиласи сифатида яратилди.

Тиббиёт олийгоҳлари талабалари соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизими ишини ташкил қилиш ва умумий амалиёт шифокорининг (УАШ) вазифаларини билишлари муҳим. Шуни эсда тутиш лозимки, УАШ, бемор ва биринтирилган аҳоли биринчи мурожаат этадиган врач ҳисобланади. Аҳоли ўртасида соглом турмуш тарзини тадбик этиш, касалликларнинг олдини олиш ва ўз вақтида аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш, мамлакат фукаролари ҳаёти давомийлиги ҳамда соглом авлод туғилиши бевосита УАШнинг билими ва малакасига боғлиқ.

2000 йилдан Ўзбекистонда олий маълумотли УАШларни тайёрлаш Республиканинг барча тиббиёт институтларида амалга оширилмоқда ва 2005 йилдан бошлаб Тошкент Тиббиёт Академияси (TTA) бу вазифада етакчилик қилмоқда. Ушбу йиллар давомида Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини ишини мукаммалаштириш негизида ўқитиши тартибига ҳам бир неча бор ўзгартиришлар киритилди, кўплаб ўқув дарсликлири, дастурлари ва қўлланмалар тайёрланди, бир катор илмий изланишлар олиб борилди. Хорижий давлатлар билан тажриба алмашиш, компьютер технологиялари, етакчи мамлакатларнинг дарслик ва илмий дастурларини кенг кўламда ўқув жараёнига тадбик этилиши, академия профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширилиши, ТТАда ўқитиши тартибига ижобий таъсир кўрсатди ва Республигадаги олий таълим муассасалари рейтинг жадвалида етакчи ўрин эгаллашига имконият яратди.

I БУЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНинг ютуқлари



1991 йил 31 августда Биринчи Президентимиз И. Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинди. 1991 йил 1 сентябр Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик байрами сифатида кенг нишонланади. 1992 йил 2 март куни Ўзбекистон тенг хукуқли аъзо сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди.

Ўзбекистон – суверен демократик Республика бўлиб, ўз миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат килувчи барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинishiни таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир.

Биринчи Президентимиз И. Каримов сўзлари билан айтганда: «Ўзбекистон 24 йиллик мустақил ривожланиши даврида жуда катта ўйлни босиб ўтди. Бугун бошқа давлатлар 100 йиллар давомида босиб ўтадиган ўйлни Ўзбекистон 24 йил давомида ўтди десак, муболага бўлмайди. Бундай динамик ривожланишининг асосий омили бўлиб, эски тартибда яшаши истамайдиган, фарзандлари ва набиралари ривожланган, демократик ҳамда мустақил давлатда яшашини истаган одамлар бўлди десак, хато қўймаган бўламиз. Мустақиллик биз учун катта, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган моҳиятга ва аҳамиятга эга. Унга эришиш, ҳақиқатда тарихий воқеа бўлиб, ҳаётимизни тубдан ўзгартирди, Ўзбекистон тарихида янги саҳифани очиб, Ватанимизни ва халқимизни тоталитар тузумдан бутунлай озод этди. Мустақиллик сабаб, дунё жасиятининг тўлақонли аъзосига айландик, миллий демократик давлат қуриши йўли бўйича

боришига ва ўз аҳолимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт қуриши имкониятига эга бўлдик. Мустақиллик, шак шубҳасиз бизнинг тарихимизда қолади. Айнан мустақиллик сабаб, ўз қадриятларимиз, динимиз, шон-шараф ва қадр-қумматимизни тикланишига, ўзлигимизни англашга, янги жасиятни қуришига, ўз келажагимизни халқ талабига, умидларига ва интилишларига жавоб берадиган даржада яратишига йўл очиди».

Ўз маъмурий-худудий тузилиши бўйича Республика 12 вилоятга ва Қорақалпоғистон Республикасига бўлинган. Мамлакатда жами 157 та қишлоқ туманлари, 119 та шаҳар ва 114 та шаҳар типидаги тузилмалар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси нисбатан «ёш» аҳолили давлатлар қаторига киради.

2012 йил бошига келиб, 15 ёшгача бўлган болалар аҳоли сонининг 28,1%, меҳнатга лаёқатлик ёшдан катталар эса 5,9% ташкил этди. 2012 йил якунига кўра туғилиш даражаси ўртacha 1000 кишига 21,0, ўлим эса 4,9, аҳолининг табиий ўсиши 16,1 га тенг бўлди.

2015 йилнинг 1 январига келиб Ўзбекистон аҳолиси сони 31 миллион 25,5 мингга етди, шаҳар аҳолиси сони 15 миллион 746,8 минг (50,8%), қишлоқ аҳолиси – 15 миллион 278,7 минг кишини ташкил этди (49,2%).



Кисқа вақт мобайнида Ўзбекистон аграр давлатдан саноати ривожланган ва ўз маҳсулотини экспорт қиладиган мамлакатга айланди. Дон ва энергия таъминоти мустақиллигига эришилди, транспорт ҳамда коммуникация йўлга қўйилди. Хатто дунё молиявий инқизози вақтида ҳам давлат иқтисодиётининг муқим ўсиши кузатилмоқда ва Ялпи Ички Махсулот (ЯИМ) нинг ўсиши бунинг исботи ҳисобланади. 1996 йилда унинг ўсиши 1,7% ни ташкил этган бўлса, 1999 йилда 4,4% гача кўтарилди, 2012 йил якунига кўра эса ЯИМ нинг ўсиши 8,2% ва давлат ташки қарздорлиги унга нисбатан 16,0 фоизни ташкил қилди («ўртачадан камроқ» қарздорлик).



2012 – йил Халқаро мавқега эга бўлган Буюк Британия Қироллигининг Легатум институти ўзининг “Тинчлик-хотиржамлик ва ривожланиш кўрсаткичидা” Ўзбекистон Республикасини дунё давлатлари жадвалида 64 ўринга жойлаштириди. Ҳозирги хаётда давлатимиз худудида бир қатор халқаро фонdlар, дастурлар, бирлашмалар аъзолари жумладан, БМТнинг ихтисослашган фонdlари: Аёллар ва Болалар фонди (UNICEF), унинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича фонди (UNESCO), Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, унинг ОИВ/ОИТС (UNAIDS) бўйича дастури, БМТнинг Гиёҳвандлик ва Жиноятчилик бўйича бошқармаси ривожланиш дастурлари, Марказий Осиё худудида превентив дипломатия бўйича худудий маркази иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси UNESCO га 1993 йил 26 октябрда аъзо бўлди. Бу ташкилот билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистоннинг Кадрлар Тайёрлаш Миллий Дастурини (КТМД) амалга ошириш борасида олиб борилди.

Таълим Ўзбекистоннинг турғун иқтисодий ривожланиши учун асосий восита бўлиб, аҳолининг мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётида фаол иштирок этиши унинг онги, дунёқарashi ва қадриятларнинг ривожланишига ёрдам беради.

КТМД ни самарали ҳамда ўз вақтида амалга ошириш узлуксиз таълим тизимида асосий ва муҳим масаладир. Бу дастурда, Республикадаги таълим тизимини мукаммаллаштириш мақсадида бир қатор таклифлар келтирилган бўлиб, улар давлатнинг ҳар бир соҳасида узлуксиз таълим бўйича стратегиясини амалга ошириш ёрдамида инсон потенциалини сифатли тизимини ривожлантиришни таъминлайди.

КТМД амалга оширишда мақсадга эришиш учун Республикада таълимнинг ҳар бир босқичига таъаллукли 50 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари, КТМД бўйича Республика Комиссияси қарорлари ва бошқалар шу жумладандир). Барча қарорлар таълим тизимининг ривожланишини бирламчи масалаларини ҳал қилишга қаратилган бўлиб, улардан қуйидагилар, олий таълим тизимини ташкил қилиш ва ислоҳ қилишга йўналтирилган:

- «Таълим» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 29 август 1997 й.;

- «Кадрлар Тайёрлаш Миллий Дастури» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 29 август 1997 й.;



- «Устоз Фондини ташкил қилиш» түғрисидаги Вазирлар Маҳкамасини 576 қарори, 30 декабр 1997 й.;
- «Олий ўкув юртларида профессор-педагогларнинг маошини ошириш ҳақида» Вазирлар Маҳкамасини 531 қарори, 2 декабр 1997 й.;
- «Узлуксиз Таълим учун Давлат Таълим Стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» Вазирлар Маҳкамаси 5 қарори, 5 январ 1998 й.;
- «Узлуксиз Таълим Тизимини дарсликлар билан таъминлашни ривожлантириш», Вазирлар Маҳкамасини 4 қарори, 5 январ 1998 й.;
- «Давлат Тест Маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш түғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасини 109 қарори, 11 март 1998 й.;
- «Тошкент Ислом Университети фаолиятини ташкил этиш» Вазирлар Маҳкамасини 224 қарори, 6 май 1999 й.;
- «Расмий давлат хужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш түғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасини 283 қарори, 25 июл 2000 й.;
- «Олий таълим муассасаларида тўлов – контракт асосида таълим олувчилар учун кредитлар бериш түғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасини 318 қарори, 26 июля 2001 й.;
- «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш түғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасини 343 қарори, 16 август 2001 й.;
- Олий таълим түғрисидаги илова;
- Мураббийларни Олий таълим муассасаларига ишга қабул қилиш түғрисидаги илова;
- Магистратура ҳақидағи илова;
- Олий таълим йўналишлари бўйича бакалаврларга қўйиладиган малакавий талаблар;
- Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти түғрисида намунавий илова;
- Олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича Давлат Таълим стандартлари;

- Педагог кадрларнинг малака ошириши ва қайта тайёрлаш тизимини мукаммаллаштириш ҳақидағи Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

Қисқа муддат ичида таълимнинг янгича модели ташкил этилиб, унинг амалга ошишида барча меъёрий-хуқуқий, ташкилий-бошқарув ва моддий материал шароитлари яратилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Кадрлар тайёрлаш миллый дастурига киритилган биринчи боскич макромасалалари амалга оширилди.

II БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Ўзбекистонда аҳолининг бепул таълим олиши давлат томонидан кафолатланади. XX асрнинг 90-йилларида давлат фақатгина мажбурий 9-йиллик таълимни назарда тутган бўлса, ҳозирги даврда “Таълим” тўғрисидаги қонунда ўз ифодасини топган таълим тизими, 9-йиллик мажбурий таълимдан сўнг кейинги 3 йиллик касбий ёки академик таълимни ҳам кафолатлади. Мустақиллик даврида давлат бюджетининг таълим тизимига сарфланадиган маблағи 1990 йилда 17,9% дан 2013 йилда 34,2% гача, соғлиқни саклаш тизимига - 9,6% дан 14,4% гача ошди.

Республикада оммавий, мажбурий, бепул 12 йиллик (формула 9+3) узлуксиз таълим тизими йўлга қўйилган:

1. Мактабгача таълим;
2. Умумий ўрта таълим (9 йил), ҳалқимиз ҳоҳиш ва истакларини инобатга олиб Президентимиз Ш.М. Мирзиёев қарорлари билан умумий ўрта таълим 2017–2018 ўкув йилидан 11 йилликгача узайтирилди. Шу билан бир қаторда истак билдирганлар 9 синфдан кейин касб-хунар колледжлари ва лицейларда ўтиб ўқишилари мумкин;
3. Ўрта-махсус, профессионал таълим (мехнат бозоридаги талабга биноан 2-3 соҳа бўйича тайёрлаш);
4. Олий таълим (4 йилдан кам эмас);
5. Олий таълимдан кейинги таълим;
6. Малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш;
7. Мактабдан ташқари таълим (584 та спорт-соғломлаштириш марказлари, 211 та «Баркамол авлод» мактабдан ташқари марказлари, 298 та мусиқа ва санъат мактаблари. Уларда 500 мингдан ортиқ болалар ва ўсмирлар таълим оладилар);
8. Олий таълим 2 босқичга бўлинган: бакалавриат ва магистратура (2-3 йил).
9. Дипломдан кейинги таълим 3 йилни ташкил қилиб, ўз ичига қўйидагиларни олади:

✓ Катта илмий ҳодимлар институти;

✓ Мустақил изланувчилар.

«Олий Таълим» атамаси ҳар хил соҳа – илмий, иқтисодий, техник, маъданий ва бошқалар учун малакали кадрлар тайёрлашни билдиради. Ўзбекистондаги таълим замонавий илмий ғоя ва технологиялар ютукларини ижодий қўлланган ҳолда ўқитишида назарий ва амалий масалаларни ечиш учун билимларни ва эгалаган куникмаларни тизимлаштириш имконини беради. Олий таълим муассасалари қаторига қўйидагилар киради:

✓ Хусусий ёки давлат қармоғиданлигидан қатъий назар таълим ҳамда касбга тайёрлаш дастурларини давлат таълим стандарти асосида ўкув жараёнинга татбиқ этувчи олий таълим муассасалари;

✓ Олий таълимни ривожланиши учун зарур бўлган илмий изланишлар олиб борувчи илмий-тадқиқот институтлари;

✓ Давлат томонидан таълимни бошқарувчи идоралар, шунингдек, уларга қарашли бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар;

✓ Таълим давлат бошқарувчи органлари, уларнинг қуи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистонда таълим тизими икки босқичли аттестация назарда тутилган:

1. Бакалавриат – бу тўрт йил давом этувчи йўналтирилган назарий ва амалий билим берувчи олий таълимнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Бакалавриат дастурини ўқитиши ниҳоясига етгач талаба якуний давлат аттестациясининг хulosасига мувофиқ ўқитиленган йўналиш асосида “бакалавр” даражасига лойиқ деб топилади ҳамда давлат намунасида кўрсатилган диплом берилади;

2. Магистратура – бу камидан икки йил давом этадиган аниқ йўналиш бўйича назарий ҳамда амалий билим берувчи, фақат бакалавриатни битирган киши танлов асосида таълим олишни давом эттириши мумкин бўлган олий таълим босқичи. Ўқишини тутгатгач битирувчиларга якуний давлат аттестацияси комиссиясининг хulosасига мувофиқ аниқ мутахассислиги кўрсатилган “магистр”лик даражаси ва буни тасдиқловчи давлат намунасида кўрсатилган диплом берилади.

Давлат намунасидаги бу икки дипломлар ўз эгаларига мутахассисликлари бўйича касбий фаолият билан шуғулланиш ёки

ўкув муассасаларида келгусида ўқиши давом эттириш имконини беради.

Олий таълим муассасалари юридик мақомга эга ва Республикада унинг қуидаги кўринишлари мавжуд:

➤ **Университет** – талабаларга эгаллаётган соҳаси бўйича ёки кейинчалик ўқишиларини давом эттиришлари учун кенг қамровли билим беришга эътибор қаратилади;

➤ **Академия** – олий таълим бериш билан бир қаторда кейинчалик ўқишиларини давом эттиришлари учун аниқ билан йўналишга тайёрлайди;

➤ **Институт** – барча олий таълим муассасалари каби олий таълим дастурини бажаради ва билан йўналишга қаратилган билим берилади.

Айни вақтда Ўзбекистонда 64 та олий таълим муассасаси фаолият олиб бормоқда, уларда 260 минг атрофига талаба таълим олмоқда. Жумладан, Халқаро Вестминистр Университети, Турин Политехника Институти, Сингапур Менеджмент Ривожланиши Институти, Инха Университети, М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат Университети, М.И. Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ Университети, Г.В. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Университети каби халқаро таълим юртларининг филиаллари ҳам шулар қаторига киради.

Миллий модел ва кадрлар тайёрлаш дастури – бу стратегик нуқтаи назардан пухта ўйланган, илмий тасдиқланган концепция бўлиб, мамлакатнинг социал – иқтисодий ривожланишини ўз ичидаги мужассам этади. Шу билан биргаликда Миллий моделимиз ўзининг амалга оширилиши учун доимо энг самарали йўлни излашга undайди.

Ислоҳатларнинг изжобий натижалари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

✓ таълимни давлат ва нодавлат таълим муассасалари негизида ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи тарзида босқичмабосқич ривожлантириш, барча турдаги молиялаштириш манбаларини жалб этган ҳолда кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасида рақобатдош мухитни яратиш, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишнинг реал механизмларини амалиётга тадбиқ қилиш ҳамда ишлаб чиқиш, шу жумладан чет эл инвестицияларини кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимига йўналтириш;

✓ барча таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчилигини таъминлаш, ўқувчилар билимларининг даражаси ва самарадорлигини ҳамда сифатини ошириш, меъёрий-қонуний базасини ҳамда уларнинг жаҳон стандартлари даражасида ишлаши учун кулаг молиявий шарт-шароитларни мукаммалаштириш орқали таълим тизимининг алоҳида соҳа ва элементларини қайта кўриб чиқиш;

✓ кам таъминланган ёшларни ижтимоий қўллаб-куватлаш, истеъдод ва билимларини рағбатлантириш орқали давлат таълим стандартлари асосида таълим олишлари ҳамда бошланғич имкониятларнинг тенглигига шароит яратиб инсон эркинликлари ва кафолатли хукуқларини таъминлаш;

✓ янги ижтимоий-иктисодий шароитларда кадрлар тайёрлаш тизими устиворлигини, баркарор ривожланиши ҳамда ишлашини кафолатловчи, таълимнинг талабига мос даражага ва сифатини таъминловчи меъёрий, моддий-техник ҳамда ахборот базасини яратиш;

✓ таълим сифатини оширишга йўналтирилган янги ва мукаммал ўқитиши услубларини жорий этиш, таълим ҳамда тарбия мазмунини қайта бойитиш;

✓ талабаларни тайёрлашнинг умумтаълим ва профессионал давражасига заруурий талабларни белгилаб берувчи таълимнинг турли соҳаларида давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек талабаларнинг таълим олишлари ва билимлари сифати назорати услуб ҳамда кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

✓ олий ўкув юртлари жамоалари орасида ва ишчи гурухларини саралаш орқали республиканинг таълим ва тарбия муассасалари учун янги ва қайта ишланган ўкув дастурлари ва дарсларини яратиш ҳамда нашр қилиш орқали давлат таълим муассасаларини ўз вақтида ўкув ва ўкув-услубий адабиётлар билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш;

✓ барча ўкув фанлари гуманитар синтези асосида педагогик таълим мазмунини янгилаш, таълим жараёнининг ички мантиғи ва қонуниятларини англашга, ўқувчилар онгига йўналтирилган психологияк-педагогик тайёргарликни чукурлаштириш;

✓ кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, тарбиялаш тизимидағи ва таълимнинг алоҳида босқичларидаги

номутаносибликларни енгиб ўтишда, аввалги таълим тизими тармогини, энг аввало маҳаллий ва республика манфаатларига мослашувчан рақобатбардош муҳитни ташкил этиш учун шароитлар яратиш;

✓ республика таълим муассасаларини сифатли педагоглар билан таъминлаш, уларнинг рейтинг баҳолари, аттестациясини, тайёрлашни ва қайта тайёрлашни ҳамда малакаларини оширишни амалга ошириш;

✓ узлуксиз таълим самарадорлигини баҳолаш ҳамда мониторинг ривожини амалга тадбиқ этиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, кадрлар тайёрлаш сони ва таркиби ҳамда уларга меҳнат бозорида бўлган талаблар таркиби ва ҳажми ўтасидаги номутаносибликни бартараф этиш имконини беради;

✓ таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси бўйича чораларни амалга ошириш, давлат эктиёжларини шакллантириш механизmlарини ишлаб чиқиш, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналари ҳамда ташкилотларининг тайёрланаётган кадрлар сифати ва миқдорига эктиёжини бажариш;

✓ таълим муассасаларининг молиявий ва хўжалик мустақиллигини кенгайтиришни, инновацион фаоллигини рағбатлантиришни назарда тутган ҳолда уларнинг молиявий ишлаш механизmlарини мукаммаллаштириш;

✓ кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича, ўкув, ўкув-услубий қўулланмалар нашри жараёнига чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳамда улар билан республика таълим муассасаларини таъминлаш, таълим муассасалари тизимини моддий-техник базасини яхшилаш, маъмурий ва бошқарув даражаси самарадорлигига эришиш, экспериментал услубларни тадбиқ этиш ва мазкур масалалар бўйича ҳамдўстлик лойиҳаларини амалга ошириш.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасида 1997-йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ти қонунга ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан, бутун таълим, шу жумладан соғлиқни саклашнинг кадрлар тайёрлаш тизимини ҳам мукаммаллаштириш бўйича кенг қўламдаги ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йилдаги 2107-сонли Фармони соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, олий тиббий таълимни халқаро стандартларга жавоб берадиган даражага етқазишига имконият яратди, яъни 2 босқичли олий тиббий таълим жорий этилди.

Биринчи босқичда таълим олишда, яъни бакалавриатда – барча тиббиёт олий ўкув юртлари қишлоқ врач пунктларида (ҚВП) ва оиласији поликлиникаларда (ОП) ишлаш имкониятига эга умумий амалиёт шифокорларини (УАШ) тайёрлашга қаратилди (умумий педиатр, умумий гигиенист-эпидемиолог, умумий стоматолог). Бу ўз навбатида, барча аҳолини, айниқса мамлакатнинг қишлоқ аҳолисини малакали тиббий ёрдам билан таъминлаш имкониятини берди.

Иккинчи босқич – магистратура – 46 та тор мутахасислик (жарроҳлар, кардиологлар, офтальмологлар, инфекционистлар ва бошқалар) бўйича шифокорларни тайёрлашни кўзда тутади. Улар ўз навбатида, соғлиқни саклашнинг ихтисослаштирилган жабхаларида, тиббий олийгоҳлар ва илмий – тадқиқот муассасаларида фаолият кўрсатадилар. Шифокорларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масаласи тиббий ёрдамни сифатли бўлишига ва юқори малакали кадрлар тайёрлашда мухим ўрин тутади.

Бундан ташқари, ҳукуматнинг қатор қарорлари Олий таълим муассасаларида таълим тизимининг моддий-техник базасини, талабаларнинг яшаш шароитларини яхшиланишига, янги спорт муассасаларининг курилиши, мавжудларини қайта таъмирланишига замин яратди. Шу билан биргаликда, ўкув жараёнига янги педагогик технологиялар ва инновацияларни жорий этилиши таълимга замонавий техник воситалардан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиш заруриятини туғдирди.

Мамлакатнинг етакчи тиббий таълим муассасаларида, шу жумладан Тошкент тиббиёт академияси (ТТА) таълим тизимига “модул” ўқитиши технологияси тадбиқ этила бошланди. Дастур клиник масалаларни ҳал қилишига катта ёрдам беради. Бу технология халқаро тиббий амалиётда мутахассислар тайёрлаш прогрессив усувлардан бири бўлиб, талабаларда клиник-мантикий фикрдашни ривожланишига ёрдам беради, бу ўз навбатида, малакали шифокорлар тайёрлашда мухим аҳамият касб этади.


Шунингдек, хукумат томонидан, таълим жараёнига ахборот-коммуникацион технологияларнинг кенг кўламда жорий этиш ва профессор-ўқитувчиларни хорижий тиллар бўйича ўз билимларини оширишлари ҳақида қатор қарорлар қабул қилинди.



Бу қадамларнинг муҳимлиги шундаки, тиббиёт энг динамик ривожланувчи соҳалардан бири деб тан олинган. Шунинг учун одатда умум қабул қилинган йўналиш ва услублар, эртага ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин.

Бугунги кунда ТТА да ўтказиладиган «Topical issues of theoretical and practical medicine» илмий-амалий анжумани одатий бўлиб, унда ёш олимлар (бакалавр, магистр, катта илмий ҳодимлар ва бошқалар) иштирок этадилар.

Шунингдек, ТТА да ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, магистр ва ёш олимлар ҳамкорлик лойихаларида иштирок этиш имкониятига эгалар.



Дарсликлар ва кўлланмалар тиббий таълимнинг ҳар бир босқичида касалликларнинг ривожланиш механизми, ташхис ва даволаш жараёнига янги таклифлар киритилиши орқали доимо

янгиланиб борилмоқда. Республика, вилоят ҳамда туман даволаш муассасаларида кенг кўламда даволаш-диагностика стандартлари ва протоколларининг жорий этилиши ҳозирги замон талабларидан бири ҳисобланади. Ушбу стандарт ва протоколлар тиббиётнинг етакчи илмий ва таълим муассасалари томонидан исботланган тиббиёт асосида ишлаб чиқилмоқда. Далилларга асосланган тиббиёт деганда, аниқ илмий кўрсаткичларни баҳолаш асосида ишлаб чиқилган ва интернет ресурсида жойлаштирилган тавсиялар тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, 80% дан ортиқ илмий тиббиётнинг интернет ресурслари инглиз тилида. Далилларга асосланган тиббиётдан кенг кўламда фойдаланиш, даволаш стандартлари ва протоколларини ишлаб чиқиш, ўкув дастурларини янгилаш, ва ниҳоят, касбий дунёқарашни кенгайтириш учун инглиз тилини ва интернет маълумотларидан фойдаланишни билиш муҳим.

Шу билан биргаликда, тиббий таълимнинг фарқли хусусияти бу – амалий (клиник) кўниқмаларни «бемор ётоғи ёнида» эгаллаш (беморларни курация қилиш, клиник кўрик, операция муолажаларда катнашиш ва бошқалар) зарурлигидир. Юқори малакали шифокорлар тайёрлашнинг асосий шартларидан бири – бу таълим ва амалиётни интеграция қилиш, яъни тиббий ўкув юртлари ва клиникаларнинг ҳамкорлигидир, яъни тиббий олий таълим муассасалари (ОТМ) ўз клиник базалари сифатида етакчи шифохоналардан фойдаланадилар.

Талабаларга таълим беришда нафақат ОТМ педагоглари, балки илмий ҳодимлар ва малакали шифокорлар ҳам иштирок этадилар. Натижада, юқорида айтиб ўтганимиздек, тиббиёт ОТМ лари профессор-ўқитувчилари зиммасига катта маъсулият юклайди. Шунинг учун, педагоглар таълим дастурларига ҳалқаро ташкилотларнинг маслаҳатларини (ЖССТ, UNICEF, Глобал Фонд ва бошқалар) ҳамда етакчи хорижий давлатларнинг она ва бола соғлигини химоялаш борасидаги юқори самарали амалиётини, юқумли, юқумли бўлмаган касалликларга қарши кураш, мамлакатда эпидемиологик барқарорликни таъминлашни ҳаётга татбиқ этмоқдалар.

2011 йил ноябрда, ЖССТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан Тошкент шаҳрида ўтказилган «Соғлом она – соғлом бола» халқаро анжуманида бир овоздан шу нарса таъкидландики, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими ўзига хос бўлиб, она ва бола соғлиғига алоҳида аҳамият берилади. Сеул Миллий Университетининг Педиатрия Маркази (Корея Республикаси) раҳбарининг докладида бизнинг давлатда тибиёт кадрларини тайёрлашда юксак натижаларга эришилганлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда 7 та тибиёт Олий ўкув юртлари ва уларнинг филиаллари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йилдаги 2107-сонли Фармонида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг босқичлари белгилаб берилди. Бунинг натижасида олий тиббий таълимни халқаро стандартга мувофиқ 2 босқичи (бакалавриат 5-7 йил, магистратура 2-3 йил, клиник ординатура 2 йил) жорий этилди.

Мисол учун, ТТА да таълим куйидагича:

- ✓ 1 курс – асосий (фундаментал) фанлар;
- ✓ 2 курс – асосий (фундаментал) ва клиникагача бўлган фанлар;
- ✓ 3 курс – клиник амалиётга кириш;
- ✓ 4 курс – факултет курси;
- ✓ 5 курс – госпитал курси;
- ✓ 6,7 курс – умумий амалиёт шифокори ундан сўнг магистратура ёки клиник ординатура ва малака ошириш курслари.

Жамиятни ривожлантиришга замонавий тенденциялар юқори сифатли маҳсус таълим мавжудлигини мутлако янги босқичга ўтишини талаб қиласи. Ҳеч шубҳасиз, инсон потенциалини барқарор ривожланиши учун қашшоқликка барҳамдан глобал муаммоларни ҳал қилиш учун билим яратиш ва алмашиб олий таълимнинг энг муҳим роли бор.

ЎзР Биринчи Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси ўйғилишидаги мамлакатнинг 2015 йилда социал-иктисодий ривожланиш якунларига ва 2016 йилдаги давлат иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларига бағишлиланган маърузасида: «2015 йилда 141 та соғлиқни сақлаш муассасаларини курилиши, қайта капитал таъмирланиши ва жиҳозлар билан таъминланиши

га 500 млрд сўм сарф қилинди. Республика болалар сујк-сили санаторияси, ТТАнинг Урганч филиали, Андижон ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тибиёт марказлари, Қарши ва Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тибиёт муассасалари ҳамда Республиkaning қатор туманлари тибиёт бирлашмаларининг қайта таъмирланиши ва ишга туширилиши якунланди. ҚВП замонавий ташхис қўйиш ва даволаш тибиёт ускуналари ва жиҳозлар билан таъминланиши якунланганлиги қайд этилди.

Ушбу кўрилган ҳаракатлар натижасида, охирги 5 йил ичидагоналар ўлими 100 минг чақалокқа нисбатан 23,1 дан 19 та гача, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими – 14,8 дан 13,9 гача, гўдаклар ўлими – 11 дан 10,7 гача камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича давлатимиз БМТ нинг “Минг йиллик Ривожланиш Дастури” мақсадларига тўлиқ эришди.

III БҮЛЛМ. ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, Ўзбекистон етарли даржада ривожланган соғлиқни сақлаш тизимида эга бўлса ҳам экстенсив ривожланиш, марказлаштирилган таркиб ва соҳани бошқариши иқтисодий механизмлари тўлиқ эмаслиги билан ифодаланаради.

Соғлиқни сақлаш шифохоналардаги ўрин-жойлар сонига қараб маблағ билан таъминланар эди. Бу эса ўз навбатида, улар сонининг ўсишига, аҳолининг ҳақиқий тиббий ёрдамга муҳтожлиги нотўғри тақсимланишига олиб келди. Тиббиёт муассасалари яроқсиз, аниқ ташхис қўйиш имконияти мавжуд бўлмаган ва самарали даволашга имкон бермайдиган аппаратлар билан жиҳозланган эди. Кўп ҳолларда, малакали мутахассислар йўқлиги ва уларнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли ўз вақтида ҳатто ихтисослаштирилган клиникаларда ҳам юқори даражали тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти бўлмаган. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш тизими мамлакатнинг бозор иқтисодиёти тизимида ўтиши шароитида, замоннинг янги талабларига тайёр эмаслиги аниқ бўлди.

Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтишини бошланғич даврида, аҳоли соғлиғининг алоҳида кўрсаткичлари ёмонлашиб борди. Масалан, оналар ва болалар ўлими ҳамда юкумли касалликлар кўрсаткичлари ўсиши кузатилди. Натижада аҳоли ҳаёти давомийлиги (аҳоли соғлиғини интеграл ва хulosавий кўрсаткичи) қисқариши кузатилди.

Ўзбекистонда 1999 йил бошида 15 миллион 200 минг ёки аҳолининг 62,2% қишлоқ шароитида яшаган, баъзи бир вилоятларда қишлоқ аҳолисининг зичлиги 75–80% ташкил этган. Шундай килиб, ўша пайтдаги мавжуд бўлган соғлиқни сақлаш тизими замон талабларига жавоб бермаган ва тегишли равишда аҳолини сифатли тиббий ёрдам билан таъминлаб бера олмаган.

Шифохоналардаги ўлимлар сонининг кўпайиши, шу билан бир қаторда аҳолини тиббий хизматга бўлган муҳтожлиги ҳисобга олинмаган ҳолда тиббиёт муассасаларини ўсиши кузатилган (25% аҳоли ҳар йили шифохоналарда тиббий ёрдам олган). Қишлоқ врачлик пунктларида ҳамда участка шифохоналарида юқори малакали ва узлуксиз тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти бўлмаган.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, бу соҳани аҳолини ижтимоий ҳимояси учун катта аҳамиятта эгалигини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилди. Тайёрлов босқичининг мақсадлари бўлиб (1991–1998 й.) соғлиқни сақлаш тизимини чуқур тизимли ислоҳ қилишга тайёрлаш ва асосий концепцияни ишлаб чиқиш бўлди. Ҳаракатлар З та йўналишга қаратилган эди: оналик ва болалик даврини ҳимоя қилиш; юкумли касалликлар билан кураш; ўрин-жой сонини амбулатория-поликлиника тармоқларини кенгайтириш орқали мувофиқлаштирилди.

Ушбу йўналишларни амалга ошириш икки босқичда ўтказилди:

1991–1994 йиллар – «горизонтал» ислохотлар босқичи: ўрин-жой фондини қисқартириш ва йўлга қўйилган соғлиқни сақлаш тизими даражасида маблағни қайта тақсимлаш, соғлиқни сақлашни ўрин-жой сонига қараб маблағ ажратишдан халос қилиш, бюджетни аҳоли сонидан келиб чиқиб шакллантириш.

1991–1992 йилларда Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Ўзбекистон Республикаси хукумати ёрдамида ва бошқа ташкилотлар иштирокида Соғлиқни сақлашни асосий мөхиятини ишлаб чиқди. Унда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришни узоқ муддатли истиқболлари ҳисобга олинди. Бу асосий мөхият ЎзР Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан таклиф этилган мамлакатни ислоҳ қилишнинг соғлиқни сақлаш тизимида оид ислохотларидан бири бўлди. Ушбу хужжат соғлиқни сақлашни такомиллаштиришни қўйидаги узоқ муддатли истиқболларни ўз ичига олади.

Ислоҳотларнинг стратегик мақсади – тиббий-санитария ва профилактика муассасаларини экстенсив ривожланиш йўлидан интенсив ривожланиш йўлига ўтиши ҳисобланади.

Ислоҳатларнинг бирламчи йўналишлари:

- ✓ она ва бола соғлиғини ҳимоя қилиш;

- ✓ бирламчи тиббий-санитария ёрдамини мукаммаллаштириш;
- ✓ юкумли касалликларни олдини олиш;
- ✓ соғлом турмуш тарзини шакллантириш.

Ислоҳатларнинг асосий мақсад ва вазифалари:

- ✓ тиббиётдаги ресурсларни самарали сарфлашни янги иқтисодий механизмларини шакллантириш;
- ✓ соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришни децентрализацияси;
- ✓ умумий амалиёт шифокори институтини ташкил этиш;
- ✓ тиббий ёрдамни унинг кундузги турларини ривожлантириш орқали қайта тизимлаштириш ва интеграция қилиш;
- ✓ олий тиббий таълимни ислоҳ қилиш, тиббиёт кадрлари тайёрлашни тезлаштириш, узлуксиз таълим тизимини шакллантириш;
- ✓ тиббий илмни ислоҳ қилиш;
- ✓ тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминлаб берувчи миллий фармацевтика ва тиббиёт саноатини ташкил қилиш ва мукаммаллаштириш.

1994–1998 йиллар – қайта тизимлаштиришни бошлаш ва децентрализация қилиш босқичи: иқтисодиётни либерализация қилиш умумий жараёнлари кўламида соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришни децентрализация қилиш бошланди, дорихоналар тизими ҳамда стоматология муассасалари хусусийлаштирилди. Децентрализация қатор вазифаларни шакллантириш, яъни маблағ ажратиш ва соғлиқни сақлаш муассасаларини вилоят даражасига ўтказиш орқали амалга оширилди. Шу даврнинг ўзида, шифохоналардаги ўринлар сонини хақиқий талаб даражасига камайтириш бошланди ва натижада шифохонадаги битта ўринга ажратилган ўртacha майдон юзаси санитария мебёрига яъни 7-8 м² га етди. Маблағлар амбулатория-поликлиника бўгинини ривожлантиришга қаратилди. Шунингдек, пуллик тиббий хизмат кўрсатиш йўлга кўйилди.



1998-2003 йиллар – тизимни ислоҳ қилишнинг бошланғич босқичи

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йилнинг 10 октябрдаги ПФ-2107-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги фармонида ҳамда “1998–2005 йилларда Соғлиқни Сақлаш тизимини ислоҳ қилишни асосий мөхияти”да кўрсатилган режаларни амалга оширган холда, унинг илк даврида мақсад қилиб бутун соғлиқни сақлаш тизимини чуқур қайта тизимлаштириш кўйилди.

Шу билан бир қаторда, олдинги босқич мақсадларига куйидаги йўналишлар кўшилди:

- аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишда умумий амалиёт шифокори хизматини жорий этиш ва уни қишлоқ шароитига татбиқ этиш;
- шошилинч тиббий ёрдамнинг янги тизимини яратиш;
- кўп тармоқли соғлиқни сақлаш тизимини яратиш (аралаш ва якка тартибдаги маблағ ажратиш турларини татбиқ этишини бошлаш ва тиббий хизматлар бозорини ташкил этиш);
- олий ва ўрта тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш.

Маълумки аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни қуидаги 3 та катта “пойдевори” мавжуд: ташкилий тузилиш, бошқарув ва маблағ ажратиш тизими.

Бошқарув тизими ўз навбатида қуидагиларни ўз ичига олади:

- давлат ва худуд даражасида соғлиқни сақлаш тизимини бошқарувчи ва назорат қилувчи тиббиёт муассасалари;
- бошқарувчи вазифасини бажарадиган санитар-тиббий ва профилактика муассасаларидаги алоҳида штатга тааллуқли лавозимлар;
- бутун тизимни самарали, барқарор, турғун бошқаришни амалга ошириб борадиган бошқарув алоқа тузилмаси.

Маблағ билан таъминлаш бошқарувни алоҳида қисми бўлиб, тизимларни ўз вазифасини бажаришга сарф қилган материали ва меҳнати ўрнини тўлдириб бориш кетказган ҳаражатини ва уларни ривожланишини таъминлаб беради.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва кўпчилик давлатлар тан олган, аҳолига тиббий кўрсатиш ёрдам тизими ташкилий таркибий стандарти бўлиб «олтин учбурчак» ҳисобланади. Унинг негизида амбулатория ва шифохонада ёрдам кўрсатиладиган, чўққисида эса юқори ихтисослаштирилган клиникалардаги ёрдам ўрин олган. Қуидаги учбурчакда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш кўламидан кейинги “Олтин учбурчак” келтирилган.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг “Олтин учбурчаги”



Ўтган 30 йил давомида жаҳон соғлиқни сақлаш тизимида, айниқса – бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишда қатор ўзгаришлар рўй берди. Соғлиқни сақлашга ажратиладиган давлат ҳаражатларини тежаш орқали тизимни янада самарали қилиш Жаҳон Соғлиқни сақлаш тизимининг «Саломатлик ҳамма учун» асосий стратегияси (бирламчи тиббий ёрдамни такомиллаштириш стратегик мақсадга эришиш учун асосий қурол деб қаралади) зарурлигини кўрсатиб берди. Ҳозирги вақтда деярли барча давлатларда соғлиқ сақлаш тизими ислоҳ қилинмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач собиқ тузумдан соғлиқни сақлашни кўп босқичли бошқариш ва беморларга кўп поғонали хизмат кўрсатиш тизимини турли хилдаги тиббиёт муассасалари, таъмирсиз бинолар ва эскирган ускуналарни мерос қилиб олди. Юқорида таъкидлаганимиздек, соҳага шифохоналардаги ўринлар сонига қараб маблағ ажратилар эди. Бу ўз навбатида, ўринлар сонини доимо ошиб боришига олиб келди. Афсуски бу жараён янги курилишлар ҳисобига эмас балки фаолият кўрсатаётган шифохоналар ҳисобидан амалга оширилди. Натижада 1991 йилга келиб 1 ўринга минимал талаб 7 m^2 ўринга $2-3 \text{ m}^2$, шифохонадаги ўринлар сони эса 256,6 минг яни 10 минг аҳолига 122 ўрин тўғри келди. Бу жаҳондаги ўртacha кўрсатгичдан анча юқори эди.

Илгари тиббий хизматни кўпроқ кимматбаҳо шифохона шароитида олиб борилиши сабабли унинг кўрсатгичи 23-25% га етган эди. Қатор шифокорлар, айниқса қишлоқларда фаолият юритувчилар, узоқ ҳатто 10 йиллар давомида малака оширмасдан, ташхис ва даволашни эскирган ва кам самарали усууларидан фойдаланар эдилар. Буларнинг барчаси, соғлиқни сақлаш тизимини жуда паст самарада ишлашига сабаб бўларди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, жисмонан ва ақлан баркамол авлодни тарбиялаш борасида зарур бўлган асосий ва етакчи масалаларни ҳал қилишда катта ютуқларга эришилди.





Илгари кўрсатиб ўтилганидек, соғлиқни сақлаш тизимида 16 та кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилди, тиббий хизматни жаҳон андозаларига жавоб берадиган таркиби ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси

Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармонига биноан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури қабул қилинди.



Тизимни меъёрий-хукуқий асосини мукаммалаштириш максадида, мустақиллик йилларида Республика изда 14 та қонун, 20 дан ортиқ Президент Фармонлари, хукумат қарорлари ва буйруқлари ҳамда бошқа хужжатлар қабул қилинди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури шу тизимни ислоҳ қилишга замин яратди: соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий турлари ва усуслари тадбиқ этилди; унинг бирламчи бўғинининг моддий баъзаси кучайтирилди, қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш ва уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш йўли орқали, оналар ва болалар соғлигини ҳимоя қилишда тубдан ўзгаришларга эришилиши, шошилинч тиббий ёрдам хизматини юқори даражада жиҳозланганлиги, тиббиёт ҳодимларни тайёрлаш тизимларининг мукаммаллиги, фармацевтика соҳасини ривожлантириш йўлга қўйилганлиги шулар жумласидан. Шуниндек, шаҳар ва қишлоқларда ўнлаб янги, намунали лойиҳаларга биноан қурилган тиббиёт муассасалар, даволаш ва соғломлаштириш марказлари яратилди.

Ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий моҳияти аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш орқали уларнинг ҳаётини узайтиришга ҳамда соғлиқ кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган ПФ-3923 сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Давлат дастурини амалга ошириш ва ислоҳ қилишни янада жадаллаштиришни асосий йўна-

лишлари тўғрисида» ги фармони ва 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ 700-сонли «Республика тиббиёт муассасаларининг фаолиятини мукаммалаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришни давом эттиришга қаратилган бўлиб, туман даражасидаги соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ўзгаришиш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни мукаммалаштириш ҳамда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган.



Натижада, Республиканинг барча вилоятларида замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган ва малакали ҳодимлар билан таъминланган ташхислаш марказлари яратилди.

Республикада 6 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мавжуд бўлиб, у ерда юқори малакали мутахассислар замонавий, жаҳон андозаларига жавоб берадиган мураккаб даволаш муолажаларини амалга ошириб bemorлар ҳаётини сақлаб қолмоқдалар. Буларнинг барчаси ўтказилаётган ислоҳотларнинг амалий натижасидир.



Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан ўтказилаётган ислохатларнинг самараси тасдиғи бу аҳоли ҳаёт сифатининг яхшиланиши, давлат томонидан уларнинг ижтимоий химояланганликларини ҳис этишлари ҳисобланади. Республикада мавжуд бўлган кўп маблағ сарфланадиган ва 5 погонали жуда катта тиббий тизим ўрнига, бугунги кунда замонавий ва са-марали, тиббий ёрдам фақатгина олий маълумотли мутахас-сислар томонидан кўрсатилаётган, 2 босқичли, яъни ҚВП – ОПлар ва туман (шаҳар) марказий шифохоналаридан иборат тизим фаолият кўрсатмоқда.

Натижада бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлашни бирламчи бўғинини миллий модели яратилди. Юқори малакали тиббий хизмат кўрсатадиган 10 та ихтисослаштирилган, замо-навий тиббий ускуналар билан жиҳозланган Марказлар фаоли-ят кўрсатмоқда. Соғлиқни сақлашни моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида йил сайин маблағ сарфланиши ошиб бормоқда.

Жумладан, 2009 йилда инвестиция дастури кўламида 9,3 млрд сўм ажратилган бўлиб, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,6 мартаға ошди, яъни – 79,1 млрд сўмга етди, 2011 йилда эса 135,8 млрд сўмни ташкил этди. Инвестиция дастурига биноан, 2010 йилда 67 та вилоят ва республика тибиёт муассасаларида қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари бажарилди. Жаҳон молиявий инқирозига қарамай, Республиkaning инвестиция дастурига мувофиқ, 2011 йилда худди шундай ишлар 100 дан ортиқ муассасаларда олиб борилди. Кўп шифохоналар фойдаланишга топширилди ва аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



Аҳоли умрининг давомийлиги 1990 йилда 67,2 ёшдан 2013 йилда 73,4 ёшга етди, шу жумладан эркаклар ўргача ёши – 71,1, аёлларда эса – 75,8 ёш. 2014 йилга келиб аҳолининг ўргача ҳаёт давомийлиги 74 ёшга етди.

Мамлакатда профилактика ва эпидемиология ишларини сама-рали ўтказилиши сабабли, кўпгина юқумли касалликлар сонини камайиши ҳамда бартараф этилишига эришилди.

Юқумли бўлмаган касалликлар давлатимиздаги барча ўлимнинг 79% га тўғри келади, шу жумладан, юрак қон-томир касалликлари (54%) ўлим кўрсаткичининг асосий улушкини ташкил этади.

Республикамизда ўтказилган кенг кўламли «Юқумли бўлмаган касалликларнинг келиб чиқиши омилларининг таркалганилиги» деб номланган, миллий изланиш Тошкент шаҳрида 2013 йилда тақдим этилган, ҳамда 2014 йилнинг январ-апрел ойиларда Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан «Саломатлик-3» дастури кўламида ЖССТнинг STEPS услугига биноан, ҳалқаро мутахассислар ёрдами-да кўп босқичли, тизимли танлаш йўли билан аҳоли сўровномаси ва тиббий кўриги ўтказилди.

Унда 18 дан 64 ёшгача бўлган 4350 киши иштирок этган. Сўровнома ўз ичига уч босқични олди – респондентлар сўров қилинди ҳамда жисмоний (бўй, вазн, бел ва сон айланаси, қон босими) ва био-кимёвий (қондаги глюкоза ва холестерин даражаси) кўрсаткичлар баҳоланди.

Тақдимотда илмий тажрибалар Ўзбекистон аҳолиси учун қатор муаммолар ечимини топиш ва олдини олишга замин яра-тиши таъкидлаб ўтилди. Унда овқатланиш тартиби ва жисмоний камҳарақатлилик билан боғлиқ муаммолар етакчи ўрин тутиши келтирилган.

Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан ортиғи (50,1%) ортиқча тана вазнига эга (тана вазни индекси (ТВИ) 25 кг/м² тенг ёки ундан ортиқ).

Шу билан бирга, семизлик билан ($TBI \geq 30 \text{ кг}/\text{м}^2$) мамлакатимизнинг ҳар бешинчи фуқароси хасталанган (20,1%).

Аҳолининг учдан икки қисми (67,2%) ҳар куни етарли миқдорда мева ва сабзавот истеъмол қилмайди (кунда 400 г дан кам), уларнинг деярли ярми (46,3%) қондаги холестерин миқдорининг юқори кўрсаткичларига эга ($\geq 5,0 \text{ ммоль}/\text{л}$), учдан бир қисмидаги (30,8%) юқори артериал қон босими аниқланади ($\geq 140/90 \text{ мм рт. ст.}$), 9,1% қонида эса глюкоза миқдори меъёридан юқори (оч қоринга $\geq 6,1 \text{ ммоль}/\text{л}$).

Республикада спиртли ичимликлар ичишни суиистеъмол қилиш ва таъмаки маҳсулотларини чекиш даражасини 18-64 ёшли аҳоли орасида ўрганиш, эркакларни 30,7% охирги 30 кун ичida спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини ва 42,4% тамаки маҳсулотлари (тутунли ёки тутунсиз, носвой) чекишини кўрсатди. Аёллар орасида бу кўрсаткичлар камроқ бўлиб 5,7% ва 1,5% ни ташкил қилади.

Сўровнома ва тиббий кўрик 40-64 ёшдаги аҳолининг 20% дан ортиғи юрак қон-томир касалликлари ривожланишига олиб келувчи юқори хавф гурухида эканлиги, бу эса яқин 10 йил ичida оғир асоратларга (миокард инфаркти, инсульт ва буйрак касалликлари) сабаб бўлишини тасдиқлади.

Маълумотларга кўра, 10 кишидан фақат биттасидан юкумли бўлмаган касалликлар ривожланишига олиб келувчи хавф омиллари мавжуд эмаслигини ва бу гурух асосан ёшлардан иборатлигини кўрсатди. Аҳолининг 66,4% уларни юзага келишига сабаб бўлувчи 1-2 та хавф омиллари аниқланди. «Шаҳар-кишлок» кесимида аҳоли ўртасида хавф омилларини тарқалиш фарки катта эмас. Шаҳарликларнинг спиртли ичимликларни суиистемол қилиши - 21% ва қишлоқ аҳолисиники 15,2% ни, қонда холестериннинг юқори кўрсаткичлари эса мос равишда - 51,4% ва 39,1% аҳоли орасида аниқланди. Бу натижалар самарали чора-тадбирлар режасини тузишда муҳим аҳамиятга эга. Ўтказилган тадқикот натижалари самарали тадбирлар режасини ишлаб чиқаришга каратилган аниқ мақсадли кўрсаткичларни ва устувор масалаларни аниқлаш учун асос булиб хизмат қилади.

Шунингдек, жароҳатланиш даражаси юқорилиги соғлиқни сақлаш тизимининг асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.


2012 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистонда сил ва ОИВ/ОИТС билан касалланиш ҳамда оналар ва болалар ўлими даражаси 2000 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан пасайиш кузатилмоқда.

Охиригина ўн йил ичida амбулатория-поликлиника муассасаларининг умумий сони 22,2% га ошди, шифохоналар сони эса 27,5% га камайди. Шунга кўра, аҳолини бирламчи тизимга қатнаши сони 15,3% га ошди ва бир фуқарога йилига 9,1 етди. Аҳолини шифохона ўринлари билан таъминлаш 12,8% га камайди ва 10 000 кишига 44,9 ни ташкил этди.

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида, Республика ҳукумати томонидан ўтказилаётган ре-продуктив саломатликни кувватлаш дастурлари натижасида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Масалан, 20 ёшгача бўлган оналарнинг фарзанд кўриши 4,7% ни ташкил этади ва шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё давлатларига нисбатан ижобий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. 20-30 ёшлардаги аёллар орасида туғруқлар сони (энг муқобил ёш) 1991 йилда 69,3% дан 2009 йилда 83,3% га етди.

Аҳолининг исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш йўллари хакидаги маълумотга эгалиги, контрацепция маҳсулотларининг кенг тарқалганлиги Республикада абортлар эндиликда туғруқ сонини назорат қилиш усули сифатида қаралмаслигига ушбу дастурларни амалга оширишнинг катта ютуқларидан бири бўлди.

Республикада абортлар сони 1991 йилда 39,0 дан 2009 йилда 6,5 гача камайди. ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган социал мониторингга асо-



сан, ҳомиладорликни сунъий равишида тўхтатиш юртимизда Эстонияга нисбатан 10, Россияга нисбатан 15 марта, ҳамда Қозоғистон кўрсаткичларга нисбатан 6 марта кам.

Оналар ўлими таркибида охирги йиллар ичида abort натижасидаги ўлим кўрсаткичи пасайиб бормоқда. Соғлом оилани ривожлантириш дастурлари амалга оширилаётган шу давр мобайнода, контрацепция маҳсулотлари барча бирламчи тиббий-санитария муассасаларига бепул берилмоқда.

Умуман олганда, туғиши ёшидаги аёлларни контрацепция маҳсулотлари билан давлат томонидан таъминланиши ижобий динамикага эга. Агар, 1991 йилда бу кўрсаткич 13% ни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 62,7% гача ўси. Аҳолининг репродуктив саломатлигини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш натижасида, ушбу марказлар фаолияти мукаммаллашиши, уларнинг аудио, видео ва ўкув-кўргазмали материаллари билан таъминланиши, мутахассисларнинг малака оширишлари ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлик борасидаги билимларини ошиши, аёлларда экстрагенитал касалликларнинг аниқланиши ва уларнинг контрацепция воситалари билан таъминланиши республикада туғруқлар сонини камайишига олиб келмоқда.

Улар 1991 йилда 1000 фуқарога 34,5 ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 22,5 гача камайди. Шу иили «Болаларни куткарамиз» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 давлатни ўз ичига олган Жаҳон рейтингида Ўзбекистон фарзандлари ҳақида юқори даражада қайғурадиган давлатлар орасида 9 ўринни эгаллади.

Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти бош директори Маргарет Чен ўз нутқида шуни таъкидлади, Ўзбекистонда соғлиқни саклаш тизимиға жуда катта эътибор берилмоқда, оналик ва болалик саломатлиги ҳимояси эса энг асосий йўналишлардан биридир. Бу нафақат ҳозирги кун балки келажак дунёқарашига мос равишида энг тўғри танланган йўлдир.

Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилотининг Евropa худуди бўлими директори Жужанна Якаб айтишича, Ўзбекистон Биринчи Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан соғлиқни саклаш тизимида жуда катта ишлар олиб борилмоқда, эришилган натижалар дунёнинг бошқа мамлакатлари учун яққол ўрнак бўла олади.

Ҳозирги кунда Евropa давлатларининг кўпчилиги Ўзбекистондаги соғлиқни саклаш тизими каби она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш миллий моделларини ҳисобга олиб ўз тизимларида ислохотлар олиб бормоқдалар.

Хукуматнинг аҳоли соғлиғига, жумладан оналик ва болалик даври ҳимоясига қаратилган сиёсати ҳамда чора – тадбирлари сабабли, оналар ва болалар ўлимини пасайиши турғун сакланиб келмоқда. Мустақиллик йилларида гўдаклар ўлими умумий коэффициенти 1990 йилда 34,6 дан, 2013 йилда 9,8 промиллекача, оналар ўлими эса 100 минг тирик туғилган чақалоқларга нисбатан 65,3 дан 20,0 гача камайди. Туғма нуқсонлар билан туғилиш хавфини камайтирувчи «Она ва бола скрининг» дастурининг амалга оширилиши, бундай касалларнинг 2000 йилда 1,8 марта камайишига олиб келди. Бугунги кунда давлатимизда 92% болалар ўз ривожланиши кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти стандартларига мос келади.

“Save the Children” ташкилотининг рейтингига асосан Ўзбекистон дунёда фарзандлари саломатлиги ҳақида энг яхши қайғурадиган давлатлар ўнталигига киритилган.


Мамлакатимизда спорт баркамол авлодни тарбиялашнинг ажralmas қисми ҳисобланади. Болалар ва ўсмирлар, айниқса қизлар орасида спортни кенг тарқатиш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Замонавий спорт комплекслари нафақат шаҳарларда, балки мамлакатимизнинг барча узоқ қишлоқларида ҳам барпо этилган. 2003–2013 йилларда 1816 та спорт мажмуалари ишга туширилди, бу эса ўз навбатида болалар ҳамда ўсмирларни спортга қизиқтириш ва уларни мунтазам равишида спорт билан шуғилланишларига, шу орқали саломатликларини мустаҳкамлашларига ундаша катта ёрдам кўрсатди.





Бугунги кунда Ўзбекистонда 2 миллион атрофида болалар бўлиб улардан 842 минг нафари қизлар, улар мунтазам равишда 30 дан ортиқ спорт турлари билан шуғулланмоқдалар.

Демографик ҳолат. Глобал демографик кўрсаткич бўлиб ҳаёт давомийлигининг ошиши ва фертилликни камайиши ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида аҳоли таркибининг ўзгаришига, катта ёшли фуқаролар сонини ошишига олиб келади. 60 ёшли ва ундан катта фуқаролар сони 2000-2050 йиллар давомида жаҳон миқиёсида 3 баробардан ортиқ ошади яъни 600 млн дан 2 млрдга етади. Бундан ташқари, уларнинг кўп қисми ривожланаётган давлатларда бўлади, яъни 2050 йилга келиб катта ёшли аҳолининг сони 400 млн дан 1,7 млрд га етади.



Ўзбекистонда аҳоли сони 1950 йилгига нисбатан 4,7 марта ортди ва 2012 йилга келиб 29,6 миллион кишига етди. Келгусида аҳолини ёш тузилиши жаҳон миқиёси кўрсаткичларига яқинлашади. 2050 йилга келиб Республикада аҳоли таркибида ёши улут фуқаролар умумий аҳоли сонининг 21,5% ни ташкил этади.

Демографик вазиятнинг ўзгаришлари, тиббиётнинг ривожланиши, соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий жиҳатлари, беморларнинг муҳтожликлари ҳамда кутаётган натижаларни ҳисобга олган ҳолда, тиббиёт ёрдам кўрсатиш ва даволашни янги самарали усуллари жорий этилмоқда.

Бу борада амбулатория – поликлиника хизмати соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим қисми ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг самараси ва сифати, мамлакатнинг меҳнат имкониятлари ҳамда оила даражасида ижтимоий томондан

ҳимояланмаган аҳоли катламларида – болалар, ногиронлар, ёши улуғларда юзага келадиган тиббий – ижтимоий муаммоларнинг ечими, амбулатория – поликлиника ёрдами даражасига боғлик.

Бугунги кунда хорижий ва мустақил ҳамдўстлик давлатлари худудида соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислоҳатлар, асосий ургуни шифохонадаги ёрдамдан ундан ташқарида кўрсатиладиган ёрдамга ўтказмоқдалар.

Соғлиқни сақлаш тизимини қайта тизимлаштиришнинг асосий таркибий қисми бўлиб, умумий шифокорлик амалиёти (оиласвий тиббиёт) ҳисобланади. Бу соғлиқни сақлаш тизими ислоҳатининг негизи бўлиб, уни ҳал қилиш бирламчи тиббий – санитария ёрдамини ислоҳ қилиш жараёни самарасини оширади, натижада соғлиқни сақлашнинг ички имконияларидан фойдаланиб, уларга суянган ҳолда аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам кўламини мувофиқлаштириш учун зарур шароитлар яратилади.

Қатор давлатлар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш асосига оиласвий тиббиёт тамойилларини қўйишган. Бу ҳалқаро изланишлар шуни кўрсатдики, бирламчи тиббий ёрдам кам даражада ривожланган давлатларга нисбатан, у юкори малакали шифокорлар билан таъминланган давлатлар иқтисодий ҳамда клиник самарадорлик билан фарқланади.

Шунинг учун Ўзбекистонда стратегик мақсад қилиб, шифохонадан ташқари кўрсатиладиган тиббий ёрдам даражасини умумий кўрсаткичдан 80-90% гача кўтариш белгиланди.



Ўзбекистон Республикасида қишлоқ шароитида соғлиқни сақлаш тизимини бирламчи бўгинини бутун Республика бўйлаб УАШ орқали ислоҳ қилишга оид қатор меъёрий хужжатлар қабул қилинди. Хукуматнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш сиёсатини асосий мақсади бу аҳоли саломатлигини тиббий – санитария ёрдамни сифатли ва

ҳамма учун етарли даражада таъминлаш асосида яхшилашдан иборатдир. Ўзбекистонда тиббий – санитария ёрдами кўрсатиш учун хукуқий, иқтисодий ва ташкилий шароитлар яратилган бўлиб, бу ўз навбатида замонавий тиббий илм ҳамда давлат ва аҳоли қўлида мавжуд бўлган ресурсларга мувофиқ даражададир.

Ўзбекистонда ўн йил давомида аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш борасида Республика Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қатор қарор ва фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни асосий йўналтирувчи хужжатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури», Президентнинг 1998 йил 10 ноябрдаги ҳамда 2003 йил 20 февралдаги фармонлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923 сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини ривожлантириш тўғрисида»ги фармони, 2 октябрдаги ПҚ-700 сонли «Республика тиббиёт муассасаларининг фаолиятини ташкил этишни мукаммаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Шунингдек, охириг 10 йил ичida соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қуйидаги давлат дастурлари қаратилган: «Қишлоқ инфратузилишини ривожлантириш», «Она ва бола йили», «Соғлом авлод йили», «Саломатлик йили», «Ҳайрия ва тиббиёт ҳодимлари йили» ва бошқалар.

Масалан, 2016 йил Биринчи Президентимиз томонидан «Соғлом она ва бола» йили деб эълон қилинди. Ўзбекистонда давлат дастурларини амалга ошириш йилларида даволаш – профилактика муассасалари мувофиқлаштирилди.

Мамлакатда янги, замонавий жиҳозлар билан таъминланган тиббиёт муассасаларининг пайдо бўлиши, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда янги ҳаётга татбиқ этилган тизим бўйича ўқитишни талаб этади.

Республикада Тошкент Тиббиёт Академияси ташкил этилди. Бундан ташқари олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш ҳам янгиликлардан бири бўлди. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш тизимида 80 мингдан ортиқ шифокор ҳамда 300 мингдан ортиқ ўрта маълумотли тиббиёт ҳодимлари фаолият кўрсатмоқдалар.

Оилавий тиббиётни ҳаётга татбиқ этиш – бу жуда мураккаб жараён бўлиб кўп масалаларни ечими топилиши лозим. Улардан бири, УАШ ва ҳамширасининг функционал мажбуриятларини ажратишдан иборат. Шунингдек, беморнинг муаммолари ҳақида ҳақиқий маълумотларни йиғиш ва ҳамширанинг жавобгарлиги даражаси, унинг ҳукуки ҳамда уни инсоний меъёrlарга мувофиқ белгилаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПҚ-2107 соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига асосан 1999-2000 йиллардан бошлаб, тиббиёт олий ўкув юргларида «Олий ҳамширалиқ иши» факультетлари ташкил этилди. Ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт академиясининг ҳамширалиқ иши кафедрасида 1-курс талабалари ҳамширалиқ иши, геронтологияда ҳамширалиқ иши, 2-курс талабалари – терапия ва ҳарбий-дала терапиясида ҳамширалиқ иши, оила тиббиётида ҳамширалиқ иши, диетология, 3-курс талабалари эса – эндокринологияда ҳамширалиқ иши фанларини ўзлаштирмоқдалар.

Умумий амалиёт ҳамшираси, биринчидан, беморда қайси талабни қондириш бузилганлигини аниқлаши лозим. Унинг фаолияти беморга ва унинг физиологик ҳолатига, жамиятдаги ўрнига ҳамда манавий қийинчиликларига қаратилган. Бемор билан шуғилланиш жараённида у ўз олдига аниқ мақсадлар қўймоғи ва унинг натижаларини таҳлил қилиши лозим. БундА унга bemor қариндошлари ёрдам беришлари мумкин. Оила тиббиёти хизматининг ўрта даражадаги ҳодимлари ўз фаолиятларининг кўп қисмини bemor ва унинг оиласи билан ўтказадилар. Улар bemorда ўзининг саломатлигини сақлаб қолиш муҳимлиги ҳамда зарур бўлган парваришини тушунтиришлари керак. Бу ўз навбатида, тиббиёт ҳодимларининг иши самарасини янада оширади.

Таълимнинг айнан шу йўналишини ривожлантириш жуда долзарб масала. 2015 йил 5 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини нишонлаш кунида Биринчи Президент И.А. Каримов шундай деди: «... биз алоҳида эътиборимизни

тиббиёт муассасаларининг моддий – техник базасини янгилаш ва кадрлар салоҳиятини оширишга, айниқса, перинатал ва скрининг марказларида, оиласий поликлиникаларнинг фаолиятини самарасига, ҚВП га, патронаж ҳамширалари сонини оширишга, педиатр, акушер – гинекологларнинг малакаларини оширишга қаратишимиш лозим».

Давлатимиз раҳбари томонидан таълим тизимиға қаратилаётган диққат ва эътибор Республика Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайган йиғилишида сўзлаган маърузасида ҳам ўз аксини топган. Бу маъруза, 2015 йилда мамлакатнинг социал – иқтисодий ривожланиш натижалари ва 2016 йилда амалга ошириладиган иқтисодиётнинг долзарб жабҳаларига бағишлиланган ва унда қўйидаги сўзлар айтилган: «ўтган йили бизнинг диққат марказимизда таълим тизимини кейинги босқич ислохотлари бўлди. Ҳар йилги таълимга ажратиладиган ҳаражатлар Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 10-12% ни ташкил этади. Бу UNESCO нинг мамлакатнинг равнақи ва ривожи учун таълимга сарфланадиган инвестицияларнинг стандартлари ҳажмидан деярли 2 марта юқори (6-7%). 2015 йилда кейинги ривожланиш ишлари ва моддий – техник базани мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар олиб борилди. Яъни таълим тизимиға тегишли 384 обьектда 423 млрд сўмга яқин ҳаражат қилинди, шу жумладан 29 замонавий лойиҳали янги мактаблар курилди, 219 мактаб қайта таъмирланди ва 136 мактаб тўлиқ таъмирлашдан чиқарилди.

Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетида 2,2 минг ўқув ўрин, спорт мажмуаси ҳамда чет элликлар учун меҳмонхонани ўз ичига олган янги ўқув биноси куриб ишга туширилди. Навоий давлат тоғ институтида янги ўқув мажмуаси курилди.

Олий таълим тизимида мутлақо янги, мукаммаллаштирилган профессор-педагогларни малакасини ошириш дастурлари жорий этилди. 15 олий таълим муассасаларида бошқарув ва педагогик кадрларни қайта тайёрлаш курслари ташкил қилинди. Уларда ҳозирги вақтгача 2,7 минг ўқитувчи қайта малака ошириш курсларини ўтдилар».

IV БЎЛIM. ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИННИГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбекистонда тиббий таълимни ривожланиш тарихи 1920 йилда бошланади. Ўша пайтда Тошкент шаҳрида Ўрга Осиё

университетининг тиббиёт факултети ташкил этилди. Унинг вазифаси даволовчи шифокорлар, фармакологлар, гигиена йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш хисобланган. Ушбу факультет Тошкент Тиббиёт Институти деб номлана бошланган.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида, унинг негизида иккита тиббиёт олий ўқув юрти ташкил этилди: I Тошкент Давлат Тиббиёт Институти ва II Тошкент Давлат Тиббиёт Институти.

2005 йилнинг 19 июляда ЎзР Президентининг ПҚ-3629 сонли қарорига биноан иккала тиббиёт институтлари бирлаштирилиб Тошкент Тиббиёт Академияси (TTA) ташкил этилди.



бошқаларни ўз ичига олади.

TTA нинг кадрлар потенциали 711 ходимлардан ташкил топган бўлиб, улар ўз навбатида қўйидагича: 3 та ЎзР ФА академиклари – Ш.И. Каримов, Т.О. Даминов, М.С. Абдуллаходжаева; 115 та профессорлар; 130 та доцент; 103 та катта ўқитувчи; 354 та ассистентлар.



Улардан 124 та фан докторлари, 264 та фан номзодлари ва хизмат кўрсатган фан арбоблари, хизмат кўрсатган шифокорлар, ҳамда хизмат кўрсатган таълим ходимлари мавжуд. ТТАнинг 2014-2015 ўкув йилида илмий даражаликлар сони 58,7 % ни ташкил этди.

Академиянинг асосий вазифалари:

- аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун олий малакали тиббиёт ходимлари тайёрлашни ташкиллаштириш ва соғлиқни сақлаш тизимини мукаммаллаштиришда иштирок этиш;
- Республикадаги тиббиёт ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ҳамда тиббиёт, соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзини ташкил этиш соҳасида илмий изланишлар олиб бориш бўйича етакчи ўринда турувчи таълим муассасаси сифатида мамлакатимизнинг бошқа тиббий олий ўкув юрглари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий бошқариш;
- тиббиёт ходимларини тайёрлашда истикболли йўналишларни танлаш, шифокорлар фаолиятида атроф-мухит экологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда профилактик ёндошишни шакиллантириш.

ТТА таркибида 6 та факултет, 52 та ижтимоий-гуманитар, тиббий-биологик, тиббий-профилактик, харбий-тиббий, малака ошириш ва клиник кафедралар ҳамда марказий илмий-текшириш лабораторияси мавжуд.

Клиник кафедралар академиянинг 3 та етакчи клиникалари, ихтисослаштирилган марказлар ва даволаш-диагностика бўлимларида жойлашган.



ТТА нинг ўкув-педагогик фаолияти қуидагилардан ташкил топган: даволаш ва тиббий-педагогика факултети; тиббий-профилактика факултети; олий маълумотли ҳамширалар факултети; харбий-тиббиёт факултети; малака ошириш ва тиббий биология факультети.

ТТА да 735 та магистратура талабалари 46 та йўналиш бўйича ўқитилади ҳамда клиник ординатурада 205 та шифокорлар 20 та йўналиш бўйича тайёрланилади.



Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш 52 та кафедрада, амалий кўнинмаларни эгаллаш марказида, ОСКЭ маркази, 12 та ўкув лабораториялар, жамоат соғлигини сақлаш ва ахборот-ресурс марказида, 2 та қишлоқ врачлик пунктлари кўргазмали ўргатувчи моделлари ва Саломатлик мактабларида олиб борилмоқда.





Илмий-изланиш фаолияти. ТТАда 2005 йилдан ҳозирга қадар 64 та фан докторлари ва 388 та фан номзодлари тайёрланган. Айни пайтда 11 - амалий, 3 - фундаментал, 1 – инновацион, 2 – ёшлар ва 4 – халқаро грантлар асосида 17 та илмий изланиш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Грантлар доирасида 147 та ходим иш олиб бормоқда.

Академия қошида 3 та Илмий Кенгаш фаолият олиб боради, улардан ҳар бири 5 дан ортиқ мутахассисликлар шифрига эга учта йўналишни қамраб олинган: хирургия, терапия, морфология ва гигиена (16.07.2013.Тиб.17.01; 16.07.2013.Тиб.17.02; 16.07.2013.Тиб.17.03).

ТТА чет эл олий ўкув юртлари билан илмий ҳамда таълим жараёни бўйича ҳамкорликни амалга оширади ва шу жумладан куйидаги институтлар билан халқаро алоқалар ўрнатилган:

- Гумболдт Университети (Берлин) – Шарите Клиникаси;
- Оилавий тиббиёт бўйича резидентура маркази (Оклахома, АҚШ);
- Шарқ Табобати Маркази «Ромста» Корея Республикаси шифокорлари уюшмаси, Сеул Университети;
- Чхоннам Давлат Университети (Корея);
- Гранада Университети (Испания);
- Нагоя Университети (Япония);
- Россия Давлат Тиббиёт Университети;
- И.М. Сеченов номли 1-Москва Давлат Тиббиёт университети;
- И.И. Мечников номидаги Санкт-Петербург Давлат Тиббиёт Академияси;
- Москва Давлат Тиббиёт Стоматология Университети;
- Самара Давлат Тиббиёт Университети.

2015 йилнинг декабр ойида ҳамкорлик алоқалари Томскдаги Сибир Давлат Тиббиёт Университети билан ўрнатилди. У ерда 2015 йилнинг 16 декабр санасида профессор-педагогларга ва талabalарга УАШ тайёрлаш ички касалликлар ва клиник аллергология кафедраси мудири т.ф.д., доцент Нуриллаева Н.М. томонидан “Ўзбекистонда оилавий тиббиёт асослари” мавзусида маъруза ўқилди.

Аҳамиятлиси шуки, ТТА халқаро даражага чиққанлигини исботи сифатида Ўзбекистонда умумий амалиёт шифокори асосларини



Жанубий Корея (Сеул, 15 феврал 2016 йил) олий тиббий аудиторияси учун ЎзР ФА академиги Ш.И. Каримов томонидан таърифлаб берилганини келтириш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ ТИББИЁТ РИВОЖЛANIШИНинг ДАСТЛАБКИ ШАРТ - ШАРОИТЛАРИ



соғлиқни сақлаш тизимининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Буюк Британия 1948 йилдан бошлаб барча аҳолига бепул умумий амалиёт врачи хизмати кўрсатувчи соғлиқни сақлашни миллий тизими ташкил этилган давлат ҳисобланади. Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатларида ихтисослаштирилган тиббий хизматнинг кучайиши бирламчи тиббий ёрдамни аҳолининг асосий эҳтиёжларидан узоқлаштириб, соғлиқни сақлашга кетадиган сарф-ҳаражатларни кўпайтиришини англаб етдилар.

Буюк Британияда амбулатория шароитда умумий амалиёт врачлари томонидан кўрсатиладиган ёрдам 90% ни, шифохоналарда кўрсатиладиган ёрдам – 9-10% ни ва ихтисослаштирилган марказларда кўрсатиладиган ёрдам 1,0 – 1,5% ташкил этади. У ерда куйидаги тиббий хизмат ва назорат тизимлари мавжуд:

❖ NHS - National Health System - Буюк Британиянинг Миллий соғлиқни сақлаш тизими (аҳолининг барча қатлами учун юқори сифатли тиббий ёрдам)

❖ Лондон Империал коллежи – Жанубий Кенсингтон олий ўкув юрти. Биринчи тиббий ёрдам бўлими (БТЁБ), умумий соғлиқни сақлаш факултети Император тиббий муассасаси қисми (соғлом миллат ва биринчи тиббий ёрдамни мустаҳкамлаш).

Тарихий маълумотлар.

Фарбда “оилавий тиббиёт” ихтинослиги 1970 йилларнинг бошларида пайдо бўлиб жадал ривожлана бошлади. Фарбий Европа, АҚШ ва бир қатор мамлакатлар университетларида оилавий шифокорларни тайёрлаш учун дастурлар яратилди. Англия, АҚШ ҳамда Канадада оилавий тиббиёт кенг тарқалган бўлиб, ҳозирги пайтда миллий

❖ Бирлашган Қиролликда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича шифокорлар – оилавий шифокорларни бирлаштирувчи ташкилот – қироллик коллежи. Лицензиялаш, таълим, тадқиқод ва текширув (клиник стандартлар) сифати билан биргаликда УАШ ни тақдим қиласи ва қўллаб-куватлади.

❖ WONCA - The World Organization of National Colleges, Academies and Academic Associations of General Practitioners/Family Physicians. Буюк Британиядаги оилавий шифокорларнинг Умумжаҳон Ташкилоти, миллий коллажлар ва академиялардан иборат.

1991 йили оилавий врачлар академик ташкилоти ва миллий академиялар, коллажларининг Бутунжаҳон ташкилоти (WONCA) умумий амалиёт врачларига қўйилган талабларни аниқлаб берувчи хужжатни қабул қиласи. Мазкур хужжатда касалликларни даволаш, реабилитацияси, соғлиқни мустаҳкамлаш ва унинг профилактикасини ўз ичига олишдан ташқари тиббий ёрдамнинг комплекс характердалигига ҳам ургу бериб ўтилган.

Охирги йиллар давомида Европанинг кўплаб мамлакатларида соғлиқни сақлаш тизимларидаги ислоҳатлар кенг кўламли сиёсий ўзгаришларнинг соҳаси сифатида шуниндек, соғлиқни сақлаш хизматлари сифатини яхшилашга йўналтирилган алоҳида чоратадбирлар шакли тарзида бошланган.

Бирламчи тиббий санитария хизмати ислоҳати мазкур ҳаракатнинг бир неча мамлакатларда намоён бўлиши ҳисобланиб, қисман ўз ичига оилавий тиббиётдаги мавжуд тизимларни қайта қуриш ёки уларни илгари мавжуд бўлмаган минтақаларга тадбиқ этишдан иборатdir. ЖССТ Европа Регионал Бюроси умумий шифокорлик амалиётини соғлиқни сақлаш тизимига соғлом турмуш тарзини тарғиб этган ҳолда, касаллик профилактикаси ва даволаш тамойиллари, реабилитация соғлиқни сақлашнинг ўзаро боғлиқ фаолиятлари орқали потенциал таъсир кўрсатишига ишонган ҳолда 1995 йилнинг августида “Европада умумий шифокорлик амалиётида оилавий тиббиётни тадбиқ этиши бўйича иичи лойиҳа” деб номланган хужжатни муҳокамага кўйди.

Мазкур хужжат узоқ муддат Регионал Бюро томонидан умумий амалиёт врачининг интеграция жараёнлари дастурида бутун мамлакат бўйлаб юқумли бўлмаган касалликларни даволаш бўйича

шифокорнинг роли (Гейделберг шахри, 11-13 апрел 1991 й.); умумий амалиёт врачларининг аҳоли умумий соғлигини яхшилашдаги ўрни (1991 й. 22-25 май, Перуджий шахри. Италия); алоҳида туманларда ёрдамга бўлган талаб ва уларнинг тиббий ёрдам кўрсатишга таъсири (1991 й. 27-30 октябр Иерусалим шахри); Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида умумий амалиёт врачи ривожи (1992 й. 22-25 апрел Бенешев ш. Чехословакия); алкогол истеъмоли билан боғлиқ зарарни даволаш ва унинг профилактикасида умумий амалиёт врачи роли (1992 й. 19-22 октябр Вена шахри) ҳамда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида умумий амалиёт ёки оиласий тиббиётда ислоҳатларнинг ўрни (1993 й. 25-28 октябр Синай шахри. Руминия) шунингдек оиласий тиббиёт стратегияси ривожи бўйича экспертларнинг ilk учрашуви (1995 й. 26-28 январ Любляна шахри) каби мавзуларга бағишлиланган бир қатор халқаро учрашувлардан сўнг юзага келди.

Европада умумий амалиёт врачи тизимини ривожлантириш дастурини (низомини) яратиш мақсадида маслаҳат учрашувлари давомида бирламчи тиббий-санитария хизмати кўрсатиш ва уни ривожлантиришни кўллаб-куватлашга бағишлиланган муаммолар кўриб чиқилди. Ниҳоят, 1994 йилнинг 9-11 июнида Нидерландияда дастурнинг бирламчи шаклини (низомини) яратиш мақсадида Европа умумий амалиёт врачи низомини ривожлантириш бўйича ишли гурухнинг давра учрашуви бўлиб ўтди.

Охириги 30 йилда бутун дунёда олиб борилган ислоҳатлар натижасида оиласий тиббиёт Канада, Франция Германия, Италия ҳамда Скандинавия мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизими асосини ташкил этди. Ҳозирги вактда Европада тиббий хизматнинг 80% умумий амалиёт врачлари томонидан кўрсатилади.

АҚШда оиласий тиббиёт уч омил асосида ривожланди.

Улардан биринчиси – умумий амалиёт врачларини Америка тиббиёти ташкилотларидағи иштироки ҳисобланиб, бу юзага келган анъаналарни ва ихтисосликни сақлаб қолиш имкониятини яратди.

Иккинчиси – нафақат вакт давомида синалган анъаналар ва тамойилларни сақлаб қолиш, балки инсонлар тақдиди ва даволашга умумий амалиёт врачларини янгича, масъулият билан ёндошиши.

Учинчи омил бу – оиласий тиббиёт фалсафасининг илмий ривожи, бемор, оила ва жамият ҳаётида шифокор ролини кўтариш,

ҳар қандай вактда тиббий ёрдамнинг барча турларидан фойдаланиш имконини яратилишидир.

1970 йилларнинг бошига келиб қайд этиб ўтилган омилларга ягона “Оиласий амалиёт” ихтисослигига кетма-кетликда тегишли сертификат берувчи ва ёш врачларни ўқитиш дастурига бириктируви мустақил комитет томонидан амалга оширила бошланди. Кўплаб тиббиёт олий ўқув юртларида тегишли илмий мактаблар шакллантирилди ва янги оиласий тиббиёт курслари ёки факултетлари ташкил этилди. Қатор клиник шифохоналарда Америка оиласий врачларининг янги авлодини тайёрлаш учун ординатура дастури расмий тан олинди ва ривожлантирилди. Тиббиёт олий ўқув юртларининг битирувчилари борган сари оиласий тиббиёт билан шуғилланишга истак билдира бошладилар.

Мазкур фан 30 йил мобайнида оғишмасдан ўсиб ва ривожланиб борди. 90-йиллар охирида оиласий тиббиёт мутахассислари сонига кўра терапиядан сўнг иккинчи ўрини эгаллай бошлади. Оиласий тиббиёт врачлари фикри билан ҳукumat ва аҳолининг барча қатламлари ҳисоблаша бошладилар. Бошқа тиббий соҳадан кўра уларга кўпроқ кадрлар тайёрлаш учун барқарор молиявий ёрдам ажратилди. Айни пайтда мазкур соҳа илмий йўналиши ҳам мустаҳкамланмоқда; кўпроқ тадқиқод ишлари олиб борилиб, бу академик доираларда оиласий тиббиёт обрўйини оширмоқда. Талабаларга юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш имконини берган ҳолда, танлаган соҳасига янада чукурроқ кириб бориш учун шароит яратилди. Бир сўз билан айтганда 30 йил давомида оиласий тиббиёт АҚШ соғлиқни сақлаш тизимининг ажралмас бир бўлаги тарзида ривожланди.

АҚШда ҳам оиласий тиббиётни ривожланиш ва сусайиш ҳолатлари кузатилди. Аммо 1969 йилда расмий жиҳатдан тан олингандан сўнг, мазкур мутахассислик Америка соғлиқни сақлаш тизимининг асосий ва муҳим таркибий қисмларидан бирига айланди. Ҳозир у ерда оиласий шифокорлар беморларга тиббий хизматнинг катта қисмини кўрсатишади. Мамлакатнинг кам сонли аҳоли яшайдиган кўп худудларида улардан бошқа врачлар йўқ. Тиббиёт олий ўқув юртлари ва ўқув шифохоналарида айнан улар ёш мутахассислар ва талабаларнинг таълим олишларини ўз зиммаларига олганлар. Мазкур соҳада олиб борилаётган тадқиқодлар тобора кўпроқ тиббиёт

фани ривожига катта таъсир кўрсатмоқда. Молиявий тўсиқларга қарамасдан кўплаб ёшлар уларни тиббиётга олиб келган ғояларни амалга оширишда оилавий тиббиёт энг мақул йўл, деб биладилар. Мазкур ихтисослик ривожи XXI асрда қайси йўналишдан бормасин, у АҚШ соғлиқни сақлаш тизимида марказий ўринни эгаллашни давом этмоқда.

Оилавий шифокор болалар, катта, ўрта ва кекса ёшдаги кишиларни даволашдан ташқари, уларни мунтазам равишда профилактика текширувидан ўтказади. Бунда у артериал гипертония, холестериннинг юқори даражаси, семириш ва чекиш каби оғир касалликларга олиб келувчи хавф омилларини аниқлаб, тегишли даво ва олдини олиш чора-тадбирларини ўтказади.


Шунингдек, оилавий шифокорлар нафақат артериал гипертония, артрит, диабет, қалқонсимон без касалликлари, гепатит ва ўсма каби кенг тарқалган касалликлар балки – нисбатан кам учрайдиган хасталикларни ҳам узоқ муддатли даволаш ишларини олиб борадилар. Одатда, кекса ёшли кишиларда бир неча касалликлар кузатилиб, оилавий шифокор уларни биргаликда назорат қиласди. Бундай беморларни амбулатория шароитида кузатиб боради, шунингдек ҳамшира муолажасини уй шароитида ўтказишини давом эттиради.

АҚШда оилавий шифокор ўз мижозлари олдида бўлиб, тиббий амалиётдан ташқари қатор бошқа хизматларни ҳам кўрсатади. Масалан, у спорт мактаби жамоасида врач (чунки, у врач ортопед кўнікмаларига ҳам эга), ҳамшира муолажаси уйларида бош врач ёки соғлиқни сақлаш кўмитаси маслаҳатчи\аъзоси бўлиб хизмат кўрсатиши мумкин (чунки, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, ижтимоий гигиена, эпидемиология масалалари билан ҳам яхши таниш).

Беморлар кўпинча ўз докторлари ҳузурига унинг мажбуриятига кирмайдиган муаммолар билан келадилар – масалан депрессия, чарчоқ, ташвишли ёки стресс ҳолатлари билан боғлиқ масалалар. У ҳар томонлама тайёргарлик кўргани ва амалий кўнікмаларни эгаллаганлиги сабабли касалликни ilk белгилари намоён бўлганда ҳам уларни аниқлаб, ўз вақтида самарали даво олиб боради ва уни дастлабки ташхислашни амалга оширади. Америкадаги оилавий шифокорлар, асосий психологик билимларга ҳам эга. Бу уларга чекиш,



Улардан кўпчилиги акушерлик ёрдамини кўрсатадилар, гинекологик ҳамда педиатрик қабулини ҳам олиб боришади. Айрим оила шифокорлари кўпроқ вактларини маълум бир йўналишга – айтайлик гериатрия ёки спорт тиббиётига ажратишиб, ёки алоҳида бир жарроҳлик муолажаси ёки амалиёти билан машғул бўлишади. Бирок уларнинг барчаси кузатувидаги аҳолига, агар зарурият бўлса тор доирадаги мутахассисга мурожаат этган ҳолда ёрдам кўрсатадилар.



Ҳозирги вақтда АҚШда оилавий тиббиётни бир неча уюшмалари мавжуд бўлиб турли хил вазифаларни бажарсалар ҳам мунтазам ўзаро алоқада бўладилар. Уларнинг энг машҳурлари – оилавий шифокорларнинг Америка академияси, оила амалиёти бўйича Америка кўмитаси ҳамда тиббий таълимни тутгатганларнинг аккредитация Кенгаши қошидаги оилавий амалиёт соҳасидаги ординаторлар тайёргарлигини текшириш Комиссия ҳисобланади.

Умумий амалиёт врачлари сони ҳамда алоҳида мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти доирасида соғлиқни сақлашга сарф-ҳаражатлар орасидаги муносабат куйидагича. Мисол учун, АҚШ 2002 йилда соғлиқни сақлашга қилинган сарф-ҳаражатлар ялпи ички маҳсулотлардан 15% (1,55 триллион долларни) ташкил этган. Бу соғлиқни сақлаш тизимида юқори ҳаражатлар қилувчи 13та мамлакат ичидаги 12 ўринда туради. 2014 йилда АҚШ 51 мамлакат орасида атиги

44 ўринни эгаллади. Бунинг сабаби АҚШда оилавий шифокорлар сочининг камлигидир.

Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш Вазирлиги ислоҳатларни амалга оширишга ҳаракат килинаётган бўлса ҳам хозирга қадар унинг биринчи бўғинида режалаштирилаётган ўзгаришлар тортишувларга сабаб бўлмоқда.

Юзага келган вазиятни инобатга олган ҳолда 1978 йилнинг сентябрида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) Қозоғистон пойтахти Олма-Ота шаҳрида умумий амалиёт врачи фаолиятига муҳим ролни ажратган ҳолда, соғлиқни сақлаш сиёсатининг бош мезони этиб БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ кўйилади. Конференция “2000 йилда барча учун Соғлик”ни таъминлаш мақсадига эришишининг асоси бирламчи тиббий ёрдам эканлигини эълон қилиб ҳамда Олма-Ота декларациясини қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАР ЁРДАМИ КЎРСАТИШНИ РИВОЖИ

Бирламчи тиббий-санитар ёрдами (БТСЁ) - бу аҳоли, оила, жамоа билан соғлиқни сақлаш тизимининг ўзаро мунтазам алоқасининг БИРИНЧИ БОСҚИЧИ хисобланади.

Соғлиқни сақлашнинг ушбу янги тизимини Ўзбекистонда шакллантириш 1991-1995 йилларда бошланди. 1991 йилда соғлиқни сақлаш ислоҳати концепцияси ишлаб чиқилди ва у 1992 йилда тасдиқланган.

Республикамизда қишлоқ врачлик пунктларини (ҚВП) қуриш 1996-йилда бошланган. Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳат ўтказишга ilk қадам “Фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш” тўғрисидаги Конуннинг қабул қилиниши орқали амалга оширилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “1998-2005 йиллардаги соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури тўғрисидаги” фармонлари ислоҳатларнинг устивор йўналишларини аниклаб берди. БТСЁни мукаммаллаштириш, УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРИ тизимини тадбиқ этиш ва кучайтириш унинг асосий йўналиши қилиб танлаб олинди. УАШ тайёрлаш 2000 йилдан бошланди.

Мустақилликнинг ilk кунларида ёк Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аҳолига сифатли ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш борасида соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ислоҳатлар ўтказмоқда. Унинг таркибий қисмларидан бири БТСЁни ўзгартериш ҳамда УАШ институтини шакллантиришдан иборат. 1996 йили Ўзбекистон Ҳукумати қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш бўйича умумдавлат Даствурини қабул қилди ҳамда қишлоқларда амбулатория хизматларини ижобий ўзгартериш учун асос яратилди.

Соғлиқни сақлаш тизими ислоҳатлари Давлат дастурининг муҳим хусусиятларидан бири тиббий ёрдам сифатини оширишга кўп босқичли ёндошувдир. Миллий моделнинг ўзига хослиги, профилактик тиббиётнинг устуворлиги ва соғлом турмуш тарзини тадбиқ этиш, жисмонан ва маънан соғлом ҳамда яхши ривожланган авлодни тарбиялаш, аҳоли ўртасида ўз соғлиғига жавобгарлик хиссини шакллантиришдан иборатdir.

Ўзгаришлар авваллари мавжуд бўлган фелдшерлик – акушерлик пунктлари (ФАП), қишлоқ врачлик амбулаториялари (ҚВА), қишлоқ шифохоналари (ҚШ) ва марказий туман шифохоналари (МТШ) каби кўп босқичли тизимни қисқартириш йўли билан ресурслардан оқилона фойдаланишни назарда тутиб, ҳукумат тиббий муассасаларнинг янги икки босқичли тармоғини – қишлоқ врачлик пунктларини қуришни, беморлар йўналишлари ҳалқасини қисқартиришни (ҚВП-МТШ) таклиф этди.



Кишлоқдаги соғлиқни сақлаш муассасаларини мавжуд бўлган тизимини 2-босқичлига ўзгариши тамойиллари ишлаб чиқилди.

ҚВП яхши меъморлик дизайнига, сув, электр тармоғи, канализация, иситиш тизимлари билан таъминланиши ҳамда телефон тармоқлари воситаларига эга бўлиши учун маҳсус мезон ва стандартлар ишлаб чиқилди. Ушбу муассасаларнинг курилиши ва қайта таъмирланиши учун режалар тузилди. ҚВПни куриш ва реконструкция қилиш масалалари ҳокимиятнинг худудий органларига юклатилди.

Жаҳон банки иштирокидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998-йил 10 ноябрда тасдиқланган ПҚ 2107-сонли Соғлиқни сақлаш тизими ислоҳати давлат дастурини амалга ошириш доирасидаги фармони билан экспериментал худудларнинг (Фарғона, Навоий, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси) мисолида “Саломатлик-1” биринчи лойиҳаси бажарилди, қишлоқ жойларда БТСЁ миллий модели шакллантирилди.

Ўзбекистондаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳатларнинг биринчи бўғини қўйидагилардан иборат бўлди:

- ШАҲАР ва ҚИШЛОҚ жойларида бир хил шароит ва даражада аҳолига биринчи тиббий ёрдам олиш имконини яратишга йўналтирилган соғлиқни сақлашнинг тамоман янги тизими;
- Оналик ва болалик масалаларига, СОҒЛОМ АВЛОДНИ дунёга келтириш ва тарбиялаш учун шароитлар яратишга янгича ёндошув;
- Барча худудларда аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг тамоман янги тизимини яратиш;
- Эски тизимлардан воз кечиб, соҳани молиявий манбааларини сезиларли кенгайтириш (шу жумладан, пуллик ва хусусий соғлиқни сақлаш таъминоти ҳисобига);
- Биринчи галда катта маблағ талаб этадиган самарасиз фондлардан фойдаланиш ўрнига маблағларни амбулатор-поликлиника шароитида даволаш ва профилактикага йўналтириш ҳисобига молиявий харажатларни мувофиқлаштириш.

2013 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 65 йиллиги ҳамда Олма-Ота декларациясининг 35 йиллиги нишонлади. Ушбу

оламшумул воқеялар шарафига охирги 10-15 йилдаги умумий амалиёт врачи ривожи бўйича Ўзбекистон Республикаси тажрибаси шархи ўтказилди. Унга ЎзР нинг “Саломатлик - 1 ва 2” лойиҳаси ҳисоботи асос қилиб олинди.

Мазкур таҳлилий шарҳ Ўзбекистондаги БТСЁ ислоҳатларининг, жумладан охирги 10-15 йилдаги умумий амалиёт врачи ривожининг асосий натижаларидан иборатdir. Ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ташабbusи билан 2010 йилнинг сентябрида ўтказилган БТСЁ ривожланишига бағишлиган, Республика конференциялари натижаларига асосланиб олиб борилди. У Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа худудий бошқармаси ва мазкур ташкилотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан кўллаб кувватланди.

Хужжат БТСЁ (Primary Care Evaluation Tool - PCET) баҳолашни Жаҳон соғлиқни сақлаш талабларига асосланиб тайёрланди. Ушбу баҳолаш воситаларидан фойдаланиш БТСЁ тизимининг асосий 4 та соҳаси: бошқарув ресурсларини юзага келтириш, БТСЁ даражасида хизматларни молиялаштириш ва тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ишлашнинг кенг кўламли таҳлилини ўтказиш имконини яратди.

Ҳисоботда БТСЁ ислоҳати борасида мамлакатнинг асосий муваффақиятлари келтирилган бўлиб, айниқса соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғинига йўналтирилган ислоҳатлар, жумладан, оиласи тиббиётни жорий этилиши зарурӣ жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси ва тиббий таълим соҳасидаги ўзгаришлар, шунингдек умумий амалиёт ўрта тиббиёт ходимлари институтининг жорий этилиши борасидаги ижобий ўзгаришлар қайд этилган. Меърий ва хуқуқий базанинг мукаммаллашуви ҳамда шархи, молиялаштиришнинг янги механизмлари жорий этилган, БТСЁ муассасалари бошқарувчиларини тайёрлаш ва молиявий менежерлар лавозимини жорий этиш ҳаракатлари олиб борилган. Нашрда эришилган сезиларли ютуқлар билан бир қаторда фактларга асосланган қарорларни қабул қилиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, мониторинг ҳамда баҳолашнинг барқарор тизимини яратиш, бошқа ихтисослаштирилган касблар билан биргаликда БТСЁ фаoliyatiini мувофиқлаштириш ва изчилиги

сингари қўшимча эътиборни талаб этувчи йўналишлар ҳам кўрсатиб ўтилган. Шу билан биргаликда муаллифлар томонидан кейинчалик БТСЁ ислоҳатларнинг самарали ўтказишга кўмак берувчи ва соғлиқни сақлаш тизимини мукаммаллаштириш учун асосий тўсиқ бўлувчи омиллар ҳам қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ) ўртасидаги кредит келишувга биноан 2005 йилдан бўён “Саломатлик-2” лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда.

“Саломатлик-2” лойиҳаси 1998-2004 йилларда Жаҳон банки иштирокида бажарилган “Саломатлик-1” лойиҳасининг давоми саналади ва биринчи лойиҳани бутун мамлакат бўйлаб тарқалишига эришишни назарда тутади.

“Саломатлик-2” лойиҳасининг асосий вазифалари қўидагилардан иборат:

- Соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғини ислоҳатлари дастурини тўлиқ амалга ошириш ва уни мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида умумий амалиёт врачи тизимини жорий этиш;


- Тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимини молиялаштириш ҳамда бошқаришнинг янги механизmlарини жорий этиш ва кенгайтириш;

- Жамоат соғлиқни сақлаш тизимини мукаммаллаштириш ва яхшилаш, юкумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, юкумли касалликлар тарқалишини назорат қилиш ҳамда жамоат соғлигини сақлаш борасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини ташкил этиш.

Кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш мақсадида лойиҳа таркиби тўрт қисмдан иборат қилиб белгиланган:

- ✓ Соғлиқни сақлашнинг БТМ ҳамда УАШ тайёрлаш таълим мини ривожлантириш (67,8%);

- ✓ БТСЁ молиялаштириш ва бошқариш ислоҳатлари (6%);



- ✓ Жамоа соғлиғини сақлаш хизматларини мукаммаллаштириш (11,7%);
- ✓ Лойиҳада бошқариш (4,1%).

Лойиҳада белгиланган мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Халқаро Ривожланиш Уюшмасининг ўзаро ҳамкорлиги назарда тутилган.

ЛОЙИХАНИ “СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ БИРЛАМЧИ БЎГИНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УМУМИЙ АМАЛИЁТ ВРАЧЛАРИНИ ЎҚИТИШ” ҚИСМИ


Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини ривожлантириш ва умумий амалиёт врачларини ўқитиши такомиллаштириши асосий йўналишлари қўидагилардан иборат:

- ❖ ҚВПни ривожлантириш ва тиббиёт ускуналар билан жиҳозлаш;
- ❖ Умумий амалиёт врачини шаҳар моделини яратиш ва ривожлантириш;
- ❖ Шаҳар экспериментал поликлиникалари ва ҚВПда ишловчи умумий амалиёт врачларини тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш;
- ❖ УАШнинг узлуксиз касбий таълим мини жорий этиш;
- ❖ Испотланган тиббиёт ва узлуксиз тиббий таълим марказини ташкил этиш ва унинг фаолиятини бошлаш;
- ❖ ҚВП ва марказий туман шифохоналари лаборантлари таълим мини ташкил этиш;
- ❖ Тиббий жиҳозларга кўрсатиладиган техник хизмат тизимини мукаммаллаштириш.

ҚВП ни тиббиёт ҳамда лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш. 2010 йилда республикада 3182 та ҚВП фаолият олиб борган. Улардан 34% янги қурилишлар хисобига ишга туширилган бўлса, 66% мавжудларини қайта таъмирлаш натижасида ташкил этилган. Қишлоқ врачлик пунктлари ва шаҳарлардаги оиласий поликлиникаларнинг умумий миқдоридан 677 ҚВП “Саломатлик-1” лойиҳаси асосида, 114 таси Япония Ҳукумати лойиҳаси асосида, 2389 та ҚВП ҳамда 29 шаҳар поликлиникалари “Саломатлик-2” лойиҳаси асосида жиҳозланган.

Фаолият кўрсатадиган ҚВП лари жиҳозлар келтирилгунга қадар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб зарур ташхисий ва тиббий жиҳозлар билан таъминланиши лозим.

ҚВП ларини жиҳозлашга 2014 йилда Республика Соғликни Сақлаш Вазирлиги маълумотига кўра 76 млн АҚШ долларига тенг маблағга тиббий асбоб-ускуналар олинган.



БТСЁ муассасаларини тиббиёт ходимлари билан таъминлашга бўлган талаблар

Шифокорлар	Ўрта тиббиёт ходимлари	Маъмурият ходимлари
УАШ	Патронаж ҳамшира	ҚВП мудири**
Стоматолог*	Муолажа хонаси ҳамшираси	Молия менежери
Акушер-гинеколог*	Акушерка (доя)	
	Лаборантка	Регистратор
	Иммунизация бўйича ҳамшира	
	Физиотерапия ҳамшираси	


Эслатма: стоматолог ва акушер-гинекологлар марказий туман шифохонасидан 6000 дан ортиқ аҳолига хизмат қилувчи ҚВП юбориладилар; **ҚВП мудири мустақил лавозим тариқасида 3 500-6000 аҳолига хизмат кўрсатувчи ҚВПда мавжуд бўлади. Бир врач иш олиб борадиган ҚВПда у бир вақтнинг ўзида УАШ вазифасини бажаради ва маъмурий-бошқарув ходими ҳисобланади.

Республикада хизмат кўрсатилаётган аҳоли сонига мос равишда қишлоқ врачлик пунктларининг қуидаги тоифалари мавжуд:

- 1-тоифа – 1500 гача киши;
- 2-тоифа – 3500 гача киши;
- 3-тоифа – 6000 гача киши;
- 4-тоифа – 10000 гача ва ундан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатувчи. Биринчи ва иккинчи тоифа ҚВП майдони ва тузилиши қуидагича.


Биринчи тоифадаги ҚВП ва унинг таркиби

1. Регистратура 3,0 м. кв;
2. Акушер хонаси 15,3 м.кв;
3. Текширув хонаси 15,3 м.кв;
4. Шифокор хонаси 15,3 м.кв;
5. Муолажа хонаси 15,3 м.кв;
6. Физиотерапия хонаси 15,3 м.кв;
7. Лаборатория хонаси 15,3 м.кв;
8. Беморларнинг вақтинчалик кутиб туриш хонаси 9,5 м.кв;
9. Фелдшер ва функционал диагностика хонаси 9,5 м.кв;
10. Патронаж ҳамшира хонаси 9,5 м.кв;
11. Эмлаш хонаси 9,5 м.кв;
12. Дориларни тарқатиш ва сақлаш хонаси 4,4 м.кв;
13. Хўжалик хонаси 3,0 м.кв;
14. Хожатхона 4,5 м.кв;
15. Қозонхона (АГВ) 6,6 м.кв.



Иккинчи тоифа ҚВП ва унинг таркиби

1. Акушер хонаси;
2. Кузатув хонаси;
3. Беморларнинг вақтингчалик келиб туриш хонаси;
4. Инвентарни сақлаш хонаси;
5. Беморларни вақтингчалик келиб туриш хонаси;
6. Лаборатория;
7. Стериллаш;
8. Манипуляция-муолажа хонаси;
9. Физиотерапия хонаси;
10. Функционал диагностика хонаси;
11. Хўжалик хонаси;
12. Врач хонаси;
13. Эмлаш хонаси;
14. Патронаж ҳамшира хонаси;
15. Регистратура;
16. Дорихона;
17. Вестибюл;
18. Қозонхона (АГВ).



БТСЁ шаҳар ва қишлоқ муассасаларида бошқарув ва молиялаштиришнинг янги усулларини тадбиқ этиши. 2389 қишлоқ врачлик пунктлари ва 25 оиласий поликлиникалар “Саломатлик-2” лойиҳаси доирасида (2004-2011йиллар) жиҳозлар билан таъминланган эди. Лойиҳага асосан 3770 УАШ ўқитилди ва бу 18 млн ортиқ Ўзбекистон аҳолисига самарали тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятини яратди.

“Саломатлик-3” лойиҳаси юқоридагиларни мантиқий давоми бўлиб, бирламчи тиббий ёрдам хизматини янада яхшилаш ва

юқумли бўлмаган касалликларнинг кўпайишини олдини олишга қаратилган. Ҳозирги вақтга келиб 1000 дан ортиқ врачлар “Саломатлик-3” лойиҳаси дорасида УАШ ўқитиш курсларида таълим олдилар ва яна 3000 та врачларнинг таълим олиши режалаштирилган. Қишлоқдаги икки мингдан ортиқ тиббиёт муассасалари Саломатлик-2 лойиҳаси доирасида жиҳозланди, 10-ойлик курсларда 3770 тиббиёт ходимлари ўқитилдилар. Бунинг натижасида ҳозир барча ёшдаги аҳолига УАШ томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти туғилди. Лойиҳанинг муҳим ютуқларидан бири соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳати билан биргаликда соҳани аҳоли жон бошига молиялаштиришнинг тадбиқ этилганлигидир.

Саломатлик-2 лойиҳаси натижалари ўрганилиб чиқилгач, Жаҳон банки 2011 йилда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш лойиҳасини маъқуллади; 2013 йилда эса мазкур лойиҳани қўшимча молиялаштиришга қарор қилинди.

Саломатлик-3 лойиҳасининг асосий мақсади соғлиқни сақлаш тизимининг биринчи босқичи яъни туман ва айрим шаҳар тиббиёт бирлашмалари доирасида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, шунингдек юқумли бўлмаган касалликлар тарқалишини олдини олишдан иборатdir.

Соғлиқни сақлаш соҳасини модернизацияси доирасида 157 та туман тиббиёт бирлашмасини ва 70 та оиласий поликлиникаларни тиббий жиҳозлар билан таъминланаш, шунингдек тиббиёт ходимларини 2018 йилнинг сўнгига қадар юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш бўйича таълим бериш режалаштирилмоқда. Жаҳон банки Ўзбекистон республикаси Ҳукумати ва бошқа институтлар ҳамкорлигига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотида назарда тутилганидек мазкур лойиҳани амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда.

Охириги икки йилда лойиҳани амалга оширишда сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Миллий дастур доирасида 36 та туман марказий шифохоналари таъмирланди ва 1000 дан ортиқ врачлар 10 ойлик УАШ тайёрлаш курсларида ўқитилди. Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан юқумли бўлмаган касалликларни даволашнинг 5 та янги стандартлари ишлаб чиқилди ва 2018 йилга келиб улар сонини 20 тага етказиш кўзда тутилмоқда.

Республикамиздаги 243 та қишлоқ врачлик пунктлари самарасизлиги сабабли тугатилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2014 йилнинг 5 марта даги мазкур хужжат “Қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва кейинчалик оптималлаштириш чоралари тўғрисида” деб номланади. Айни пайтда 2958 та ҚВП ўз фаолиятини давом эттироқда.

УАШ моделининг ўзига хосликлари. Танланган модел у ерда яшовчи халқнинг одати, анъаналари ва менталитетига тўғри келиши, шунингдек ислоҳат ўтказилаётган мамлакатнинг бошқа хусусиятларига мос бўлиши лозим. Акс ҳолда тегишли ўзгаришларсиз турли мамлакатларда амалда тадбиқ этилган оиласиди тиббиёт одатда керакли тарзда фаолиятни давом эттироқда.

Фой битта, амалга тадбиқ этиш усуслари турлича!

ҚВП УМУМИЙ АМАЛИЁТ ШИФОКОРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ



I. Умумий низом.

ҚВП умумий амалиёт врачи – “даволаш иши”, “педиатрия иши”, “тиббиёт педагогика” соҳасида олий тиббий таълимга эга дипломли, кўп соҳали ёндашув асосида ҚВПга бириклирлган аҳоли орасида жинси

ва ёшидан қатъий назар профилактика ва даволаш тадбирларини амалга оширувчи мутахассисдир.

УАШнинг асосий вазифалари:

- ✓ Кўп учрайдиган хасталикларни даволаш ва профилактикаси бўйича бириклирлган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш;
- ✓ Ўз вақтида тиббий маслаҳатлар бериш, кўрсатмаларга биноан беморларни ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига юбориш;
- ✓ Амалда мавжуд бўлган воситалар ёрдамида ва даволаш стандартларига мувофиқ хизмат кўрсатилувчи худуд аҳолисига шифохонагача бўлган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш;
- ✓ Комплекс санитария-эпидемиология чора-тадбирлари олиб бориш ва ташкил этиш;

✓ Аёлларни хомиладорлик даврида кузатиб бориш ҳамда туғишдан кейинги даврда чақалоқларни кўкрак сути билан эмизишни тарғиб этиш;

✓ Рационал овқатланиш, заарарли одатлар билан курашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шу жумладан ёш авлодни соғломлаштириш, оналар ва болалар саломатлиги ҳимояси, исталмаган хомиладорликни олдини олиш, оилани рационал режалаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

✓ Патронаж ва ёлғиз, кекса, ногирон, сурункали касалликларга чалинган беморларга ижтимоий ёрдам ходимлари билан ҳамкорликда ижтимоий-тиббий ёрдам кўрсатишни назорат қилиш;

✓ Бириклирлган аҳолига: болалар, ўсмирлар, тўғиши ёшидаги аёллар, сурункали касалликлари бўлган шахслар ва айрим гурухлар билан умумий диспансеризация олиб бориш;

✓ Сил, таносил касалликлари, хавфли ўсмалар, кандли диабет, ВИЧ\ОИТС ҳамда гиёҳвандлик билан бир қаторда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар билан курашиш бўйича даволаш-профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш;

✓ Соғлиқни сақлаш Вазирлиги йўриқномасига асосан беморларни врачлик назорат комиссияси ва меҳнатга лаёқатсизликни аниқлаш тиббий экспертизасига йўллаш орқали вақтнчалик меҳнатга лаёқатсизлик экспертизасини ўтказиш;

Қайд этилган ҳажмдаги вазифаларни бажариш умумий амалиёт врачидан тегишли тажриба, билим ва кўникмаларни талаб этади. УАШ тайёрлаш ва қайта тайёрлашда тўпланган тажриба шуни кўрсатдики, умумий вақтнинг 60-65% ни клиник фанларга, шу жумладан умумий тоифадаги ихтисосликка – 55% ни; улардан терапия ва педиатрияга 30-35% ни; акушерликка – 20% ни; мост равишида жарроҳлик ва гинекологияга – 10% дан; гериатрияга – 15%; неврология, травматология ва реабилитацияга – 10% дан; қолган фанларга (ЛОР, офтальмология, дерматовенерология, кўшимча текширув ва даволашга) – 5% дан ажратиш мақсадга мувофиқ.

УАШ – бу нафақат умумий соҳа врачи, балки ўз кузатувидаги аҳоли ва бошқа ходимлар билан ўзаро ҳамкорлик ташкилотчисидир. У эпидемологияни, статистикани, врачлик-меҳнати

экспертизасини, иқтисодиётни билиши лозим. УАШ қишлоқ врачлик пунктларида, оиласый поликлиникаларда, тез тибий ёрдам хизматида, санатория ва профилакторияларда, шифононларнинг қабул бўлимларида ва тибиёт коллежларида ишлашлари мумкин.

Бакалавр билиши лозим:

- ✓ УАШ амалиётида кўп учрайдиган асосий клиник синдромларни. Малакавий таснифда кўрсатиб ўтилган ички аъзолар касалликларининг ташхисий мезони ва хавф омилларини. Уларда УАШ тактикасини ва даволаш стандартларини;
- ✓ Реабилитация, диспансеризация ҳамда меҳнатта лаёқатлилик экспертизаси асосларини.

УАШ малакавий таснифига мувофиқ:

1 тоифа хизматлари. УАШ имкон доирасида ҚВП\ОП даражасида мустақил равишда тўлиқ амалга ошириши лозим бўлган алоҳида хасталикларни эрта диспансеризация, реабилитация, профилактика, диагностика ва самарали даволашни амалга оширишни билиши; бемор аҳволи яхшиланмай, қўшимча маслаҳат ва даволашни амалга ошириш учун бошқа муассасага мутахассис хузурига жўнатилиши керак бўлган фавқулотда ҳолатларда ёрдам кўрсата олиши лозим;

2 тоифа хизматлари. Имкон доирасида оғир ҳолатдаги ёки УАШ олиб борадиган ҚВП\ОП даражасида касаллик ва даволашни тўлиқ ва тўғри ташхислаши мутахассисда даволаш ёки маслаҳат олиш учун bemорларни бошқа даволаш муассасаларига жўнатиши. Махсус парвариш ва даволашни талаб этувчи давомий хасталиклири бўлган ва бошқа тибиёт муассасаларида даволашни ўтаган bemорлар профилактикаси, реабилитацияси ҳамда диспансеризациясини амалга оширишлари лозим;

3.1 тоифадаги хизматлар. УАШ томонидан малакали компетент ва мустақил тарзда bemорларга тегишли (тўғри ва самарали) ҳамда зарурий муолажалар, манипуляциялар ва текширишларни амалга оширишни билиши лозим;

3.2 тоифасидаги хизматлар. УАШ кўрсатмаларини ва зарур бўлганда ўтказилиши лозим бўлган манипуляция ва текшириш жараёнлари ўтказиладиган бошқа муассасаларга ҚВП\ШВП дан

беморларни жўнатиши орқали тегишли зарур манипуляция ва текширувни амалга ошириш;

4 тоифа хизматлари. Алоҳида эҳтиёжга мухтоҷ ва хавф гурухидаги шахсларга ва турли хил сабабларга кўра ҚВП\ОП ташриф буюрувчи bemорларга алоҳида, профилактика ва таълим ёрдамларини кўрсатиш.

УАШ куйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

- ✓ Соғлом ва bemор кишиларга маслаҳатлар бериш;
- ✓ Аҳолининг алоҳида гурухларига якка ҳолда ёрдам кўрсатиш;
- ✓ Беморларни мустақил тарзда қабул қилиш;
- ✓ Тибий этика ва деонтологияга риоя этиш;
- ✓ Беморларни клиник текширувдан ўтказиш;
- ✓ Солиштирма ташхисни амалга ошириш;
- ✓ Дастлабки ташхисларни кўйиш;
- ✓ Максадга йўналтирилган текширувларни белгилаш;
- ✓ Якуний ташхисни кўйиш;
- ✓ Ҳаракат тартиби ва пархезни белгилаш;
- ✓ Рецептура кўринишида рационал терапияни белгилаш;
- ✓ Зарурий манипуляция ва даволаш ишларини олиб бориш йўли билан кечикириб бўлмайдиган врачлик ёрдамини кўрсатиш;
- ✓ Меҳнатта лаёқатлилик масаласини ҳал этиш. Зарурий тибий хужжатларни расмийлаштириш;
- ✓ Консультацияга юбориш, қўшимча тибий текширувга, касалхонага ётқизиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;
- ✓ Санатория ва дам олиш муассасаларига жўнатиши ва реабилитация муолажаларини олиб бориш;
- ✓ Беморлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатла-мига парваришни амалга ошириш;
- ✓ Диспансеризацияни амалга ошириш;
- ✓ Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларда профилактика, соғломлаштириш, санитар-гиgienик ҳамда эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ✓ Бажарилган ишлар аудити;
- ✓ Мунтазам тибий адабиётлар билан шуғулланиш ва компьютер технологияларидан фойдаланиш.

